

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

МУСЛИМОВ Нарзулла Алиханович

ҚЎЙСИНОВ Одил Алмуротович

**КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ
ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ**

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти

2009

Мазкур монографияда касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш муаммоси юзасидан илмий изланишлар моҳияти ёритилган. Унда касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарий асослари, ушбу жараёни ташкил этиш шакллари, методлари ва воситаларига алоҳида эътибор берилган. Касб таълими йўналишида таълим олаётган талабаларнинг мустақил таълимини ташкил қилишнинг педагогик ва психологик жиҳатлари ҳамда талабаларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлаш мезонлари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, «Касб таълими методикаси» ва «Касб таълими практикуми» фанларидан талабалар бажарадиган мустақил ишлар ҳақида ва ушбу фанлар мисолида машғулотларни педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш методикаси ёритилган. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш модели ишлаб чиқилган бўлиб, унда мустақил таълим олишнинг аудиторияда ва аудиториядан ташқари шакллари, мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражалари, мустақил таълим жараёнини амалга оширишнинг мазмунан кетма-кетлиги, мураккаблик даражасига кўра мустақил ишлаш турлари баён қилинган.

Монография узлуксиз таълим тизимида педагогик ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган педагог-ходимлар, магистрантлар, аспирантлар, докторантлар ҳамда тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: п.ф.д., проф. Магзумов П.Т.

Такризчилар: п.ф.д., проф. Ж.Толипова

п.ф.н., доц. А.Сулаймонов

п.ф.н., доц. Ш.С.Шарипов

К И Р И Ш

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётида, айниқса, таълим соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар асосини ташкил этади. Мазкур ҳужжатларда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимининг узвийлигини таъминлаш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш кўзда тутилган.

Касб-хунар таълими умумий ўрта таълим ва олий таълим тизими узвийлигини ва узлуксизлиги таъмин этувчи босқич бўлиб, унинг ривожланиши олий таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 400-сонли қарори касб-хунар коллежлари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган таълим муассасалари зиммасига муҳим вазифаларни юклади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида республикамизда катта амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича касб таълими факультетлари, ўқитувчи ва раҳбар ходимлар малакасини ошириш марказларининг ташкил этилиши ва уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланиши бунга мисол бўла олади.

Малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири – бу таълим сифати ва самарадорлигини оширишдир. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари, ўйин технологиялари, муаммоли ўқитиш, хусусан, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари муҳим ўрин тутди. Бу эса олий таълим муассасаларида талабалар мустақил таълими мазмунини ишлаб чиқиш ва уни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш усуллариини такомиллаштириш борасида илмий-педагогик изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи асосида тасдиқланган «Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби» тўғрисидаги намунавий Низом асосида амалга оширилмоқда. Албатта, кўпгина олий таълим муассасаларида талабаларнинг назарий ва амалий мустақил таълим олишлари учун катта имкониятлар мавжуд. Бироқ ҳозирги вақтда ўқув-тарбия жараёнида талабаларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш масаласига долзарб педагогик муаммо сифатида қаралмайди, мустақил таълим мазмунини таҳлил этиш ва ишлаб

чиқишга замонавий нуқтаи назардан ёндашилмайди, унинг самарали метод, шакл ҳамда воситаларидан фойдаланишга етарлича эътибор берилмайди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа масалалар олий таълим муассасалари касб таълими факультетларида бакалавр ўқитувчиларни тайёрлашда талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш, амалга ошириш, назорат қилиш борасида қатор педагогик муаммолар мавжудлигини билдиради.

Мазкур масалаларни илмий-педагогик нуқтаи назардан ўрганиш, касб таълими жараёнида талабаларнинг мустақил таълим олишга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиш ва мустақил таълим олишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериш зарурати; касб таълими ўқитувчиларининг талабалар мустақил таълим олишларини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилиш бўйича касбий-педагогик тайёргарлигининг замон талаблари даражасида эмаслиги; бўлажак касб таълими ўқитувчиларида мустақил таълим олиш бўйича билим, кўникма ва малакаларининг шаклланмаганлиги; талабалар мустақил таълим олишларини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилишга оид ўқув-методик адабиётлар, тавсиялар, ишланмалар, йўриқномалар, кўрсатмаларнинг етарли эмаслиги ва бошқа муаммолар алоҳида долзарблик касб этади.

I боб. КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Педагогика назариясида талабалар мустақил таълими муаммосининг ишланганлик даражаси

Мамлакатимизда таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, яъни қабул қилинган қонун ва фармойишлар жамиятимиз равнақига ижобий таъсир қилиши шубҳасиздир. Улар мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда, давлат таълим стандарти талабларига жавоб бера оладиган, етук, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши ҳамда амалиётга жорий этилиши бунинг яққол мисолидир. Айниқса, таълимнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими босқичидаги янгиликлар бошқа жараёнлардан ўзининг тизимлилиги, изчиллиги ва узвийлиги билан ажралиб туради. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари жамиятимизга ижодий тафаккурга эга, билим салоҳияти юқори бўлган, малакали кичик мутахассисларни етказиб бериши керак. Бунинг учун, албатта, касб-ҳунар коллежларида ёшларга билим берадиган педагог ва муҳандис-педагогларнинг касбий тайёргарлик даражасига эътибор қаратилмоғи керак.

Олий таълим тизимининг биринчи босқичида таълим дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийликни таъминлаган ҳолда талабанинг ўқув режасидаги фанлар блокларини (гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий-илмий; умумкасбий ихтисослик ҳамда қўшимча) ўзлаштиришларини назарда тутати.

Ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежларида дарс берадиган касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишга, унинг самарадорлигини таъминлашга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчиларнинг дарсдан бўш вақтларида ўз касбий билим ва малакаларини ошириш устида шуғулланмасликлари, кутубхоналарда мустақил таълим олиш учун керакли адабиётларнинг етишмаслиги, ахборот технологияларидан унумли фойдалана олмасликлари муаммонинг долзарблигини кўрсатади. Ушбу муаммони ижобий ҳал қилиш учун талабаларнинг мустақил таълим олишини изчил тизимга келтириш керак.

Мустақил таълим олиш етук мутахассис бўлиб етишишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу айниқса касбий тайёргарлик тизимида яққол намаён бўлади. Аждодларимиз ҳам ёш авлоднинг касб-ҳунар эгаллашига, етук, тарбияли, тараққиётга хизмат қилувчи инсон бўлиб етишишига аҳамият беришган.

Шарқнинг буюк алломалари ўз ижодларида меҳнат қилишни, касб-хунар эгаллашнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтганлар. Муҳаммад ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос-Ҳожиб, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбандий, Абдурахмон Жомий, Имом ал Бухорий, Аҳмад Югнакий ва Алишер Навоий каби буюк мутафаккирлар меҳнатни, касб-хунарни улуғлаганлар. Баҳовуддин Нақшбандий (1318-1389 йил) буюк нақшбандийлик таълимотининг асосчиси бўлиб, «Дил ба ёр у, даст ба қор», яъни «Дилинг Оллоҳга, қўлинг меҳнатга бўлсин» деб ўргатганлар. Буюк мутафаккир Алишер Навоий деярли ҳар бир асарида хунар ўрганишни, ҳалол меҳнатни улуғлаганлар. Жумладан, «Фарҳод ва Ширин» достонида шундай ёзади: «Хунарни асрабон неткумдир охир, олиб тупроққа му кетгумдир охир».

Юқорида санаб ўтилган буюк алломалар ўз ҳаёти ва ижодий фаолиятларида касб-хунар эгаллашни улуғлаш билан бир қаторда касб-хунар эгаллашда мустақил иш бажаришнинг нақадар муҳимлиги таъкидлаганлар.

Мустақил таълимни ташкил қилишни педагогик муаммо сифатида В.И.Андрянова, П.Т.Магзумов, У.Н.Нишоналиев, Н.Сайидахмедов, А.Р.Ходжабоев, Қ.П.Хусанбоева, Р.К.Чориев Э.И.Закинов, С.Матчанов, З.Нишонава, Т.Ниязметова, Ж.Толипова, Ў.Қ.Толипов, Б.М.Турдибаева, Н.Халилов, Ш.Шарипов, Ш.Юнусова ва бошқалар ўз ишларида тадқиқ қилганлар.

У.Н.Нишоналиев меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашнинг тарихий тараққиёти ва шахсий хислатларини[31]; Н.Сайидахмедов талабаларни, умумтаълим мактаблари ўқувчиларни унумли меҳнатга раҳбарликка тайёрлашни[38]; А.Р.Ходжабоев меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий тайёргарлигининг ўқув-методик мажмуавий таъминотини[51]; Қ.П.Хусанбоева адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш каби муаммолар устида тадқиқотлар олиб борганлар[52].

Мустақил ишларни бажариш ва мустақил таълимнинг ижобий хусусиятлари олимлардан: В.И.Андрянованинг ўзбек мактабларининг 5-6 синфларида рус тили дарсида мустақил иш бажаришни ўргатиш[7], О.Б.Бердиева геометрия таълимида ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш методикаси[11], Э.И.Закиновнинг 6–8 синфларда мустақил ишларни ташкил қилишнинг педогогик асослари[20], Ў.Н.Султонова физикадан ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси[41], Ў.Қ.Толиповнинг касбий таълим тизимида ёшларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришнинг педагогик технологиялари[44], Ш. Шариповнинг талабада ихтирочилик ижодкорлигини шакллантиришнинг педагогик асослари[53], Ш.Юнусованинг ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини шакллантириш[56], З.Нишонава, Ж.Толипова ва Н.Халиловларнинг мустақил таълим шакллари ҳақидаги тадқиқотларида кўриб чиқилган[32, 43, 50].

Педагог олим С. Матжоновнинг тадқиқот иши ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишга бағишланган бўлиб, унда дарсларда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма ижодий ишларини ташкил этиш масалалари тадқиқ қилинган. Зеро, маънавий баркамол авлодни шакллантиришда ижодий ишлар ва мустақил фаолият юритиш ўз-ўзидан эркин тафаккурни талаб қилади. Мустақил тафаккури, ўз нуқтаи назарига эга бўлмаган ўқувчи ижодкор бўла олмайди, мустақил фаолият юритолмайди[26].

Т.Р.Ниязметованинг «Ўзбек тили ва адабиёти дарсларида мустақил иш бажариш услубияти» мавзусидаги номзодлик диссертациясида умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш йўллари ва унинг ўқувчини фаоллаштиришдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Гарчи тадқиқотда мустақил фикрлаш масаласи етакчилик қилмасда, ўқувчининг мустақил ишлаш фаолияти ўз-ўзидан у ёки бу даражада мустақил мулоҳазани талаб қилиши кўзга ташланади[33].

Педагог олимларнинг аксарият қисми мустақил таълимни ташкил этиш жараёнини фаоллаштириш масаласини умумий муаммо сифатида қарайдилар. Жумладан, бу борадаги ишларнинг бир қисмида талабаларнинг мустақил таълим олишларини ташкил этишга шахс нуқтаи назаридан ёндошиш кўзга ташланади. Бунда у фаол, таълимда, касбий маҳоратини оширишда юқори натижаларга эришишга интилувчи, педагоглик касбини танлаш ва эгаллаш ишида жамият эҳтиёжларидан келиб чиқувчи шахсни шакллантиришда мустақил таълим муҳим омил сифатида қаралади.

Мустақил таълим олишни ташкил этиш учун нафақат муайян касбга ёки фаолият соҳасига қизиқиш, балки ушбу фаолият турига лаёқатнинг мавжуд бўлиши ҳам талаб этилади.

Мустақил таълим шахснинг ўзи томонидан бошқарилишини эътиборга олиб, бу фаолият билан инсон эркин ҳолда ва истаган вақтида манбалардан ўзи танлаб, мақсад, восита, мазмун нуқтаи назаридан фойдаланиши мумкин.

Мустақил билим олишда автономлик бу-ўқитиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситаларни аниқлаш ва танлаш, уларни қийналмасдан ҳамда ташқи таъсир ёрдамсиз, амалга ошириш қобилиятидир [27].

Мустақил таълим бевосита мустақил фикрлаш билан узвий боғлиқлиги сабабли унга берилган таърифни ҳам келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: «Мустақил фикрлаш - инсоннинг ўз олдида турган муаммоларни мақсад ва вазибаларини белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб, турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир» [52].

Ёшларда мустақил иш бажариш кўникмаларини шакллантиришни турли ўқув предметларини ўқитишда амалга ошириш мумкин. Масалан математик олимлар С.И.Демидова ва Л.О.Денишевлар мустақил таълимга қуйидагича таъриф берганлар:

«Ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан мустақил иш мазмуни, мустақил ишлашни фаол ташкил этишига, уларни олдига қўйилган дидактик мақсадларни бажаришга йўналтирилган ва шунга махсус ажратилган вақт тушунилади. Билимларни қидириш, уларни англаб етиш, мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш билимларини умумлаштириш, тизимлаштириш жараёни тушунилади» [19].

Бу таърифда фаолият хусусиятлари: фаоллик, тизимлилик, мақсадга йўналганлик, мустақиллик ҳақида сўз юритилган. Бироқ мустақил таълимнинг бир жиҳати сифатида мустақиллик тилга олинган. Мустақил тафаккур таълимнинг бир қисми бўлиши мумкин.

Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчиларда мустақил билим олишга қизиқиш ва қобилиятни педагогик маданиятни такомиллаштиришга чорловчи омил сифатида шакллантириш лозим. Муаммони ҳал этишнинг муҳим омили сифатида касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчилардан педагогик такомиллашиш, касбий билимларни чуқурлаштириш ва малакасини ошириш талаб этилади.

Талабалар мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотувчи куч, мотив сабабларга боғлиқ ҳолда улар ўз олдиларига мустақил таълим мазмунини ташкил этувчи мақсад ва вазифаларни белгилаб оладилар. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Мустақил фаолият олиб боришда муҳим ҳисобланган *сиёсий мустақил таълим*, замонавий воқелик ва уларга бўлган муносабат;

2. Танлаган йўналиши бўйича фаолият олиб бориш, талабанинг мустақил таълим олишларини ўзлаштиришга йўналтирилган тайёргарлик давридаги *касбий мустақил таълим*;

3. Ўқув фанларини янада чуқурроқ ўрганишга, шахсий–ҳаётий режалари, *шахсий қизиқиш асосида йўналтирилган мустақил таълим*;

4. Ўз истеъдодини ва сеvimли машғулотларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мустақил таълим.

5. Ўз характерини тарбиялашга қаратилган мустақил таълим.

Касбий мустақил таълим шахсининг ривожланишида асосий омил бўлиб, унинг келгуси фаолиятида мустақил ишлай олиш хусусиятларини тавсифловчи бўлиб хизмат қилади. Мустақил таълим мазмуни меҳнат характериға бевосита эмас, балки билвосита таъсир этиб, мустақил таълим учун имконият топа олишиға боғлиқ бўлади. Мустақил таълим талабанинг келгуси фаолияти давомида ўз йўлини белгилашнинг воситаси бўлиб, талаба ўз имкониятларини баҳолай олишиға сабаб бўлади. Талабада аниқ ифодаланган эҳтиёж сезилмасада, бироқ ҳар бир инсонда албатта, ўзини қониқтиришға, намоён этишиға, ўзининг мавжудлигини намоён қилишға бўлган нобиологик эҳтиёж бўлади.

Касб таълими ўқитувчиси ўз билимини мустақил ошириш фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтириши ва бу мақсадга эришиши учун қуйидаги шартларга риоя қилиши керак.

1. Ўз билимини мустақил ошириш мазмунини касб таълими ўқитувчиси мутахассислиги бўйича педагогик амалиёт ўтаётган таълим муассасасининг ўқув устахонасидаги аниқ шароитларга, амалиётнинг шароитлари, талабларига мослаштириши керак.

2. Касб таълими ўқитувчиси маълум мақсад асосида ва маълум тартибда ўзида қуйидаги сифатларни шакллантириб бориши керак:

- талабаларнинг интилишлари, қизиқишларини чуқур ҳис қилиш, тушуниш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини ҳисобга ола билиш;

- талабалар билан эмоционал алоқа ўрнатиш, уларнинг ақлий, ахлоқий ва амалий фаолияти томонларига фаол таъсир этиш.

3. Касб таълими ўқитувчиси умумий педагогика, психология, меҳнат гигиенаси ва физиологияси, техника ва технология фанлари бўйича саволлар рўйхатини мустақил ўрганиб чиқишлари шарт.

4. Касб таълими ўқитувчиси ўзининг педагогик маҳоратини ошириш устида ишлаш тизимининг энг самарали усуллари, йўллари танлаб олиши, технологик жараён ва техник объектларни тўғри танлаб фаолият кўрсатиши керак.

5. Касб таълими ўқитувчиси аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда ва уларга мос тарзда индивидуал ҳолда ёки жамоа билан бирга ўз билимини ошириш шаклларида фойдаланиши, амалий машқлар бажариши мақсадга мувофиқ.

6. Касб таълими ўқитувчиси ўз билимларини оширишни доимий ижодий изланишлар тарзида ташкил эти шва маълум мақсадга йўналтириш зарур.

Бунинг учун у:

- ижодий изланишлар жараёнини бошқаришга мойил бўлиши;

- ижодий изланишларнинг самарадорлиги ўқитувчининг педагогик, психологик ва назарий тайёргарлигига боғлиқ бўлишини эсда тутиши лозим.

«Мустақил таълим» – билимларни ўзлаштириш тасаввурларини ривожлантириш тушунчалари, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг субъектив мақсадга мувофиқ, мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демакдир [27].

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил таълим олишларини ташкил этиш муаммосига етарли эътибор қаратилмаганлиги аниқланди. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълим олишда фойдаланиладиган шакллар, методлар, воситалар етарли илмий асосланмаганлиги кузатилди. Мустақил таълим олиш билан мукамал шуғулланиш учун, энг аввало, талабада қизиқиш, ҳоҳиш, қобилият етарли даражада шаклланган, мустақил ишлашга эҳтиёж бўлиши исботланди. Бундан ташқари талабаларнинг мустақил таълим олишига қатор психологик омиллар ҳам таъсир кўрсатиши

аниқланди. Мустақил таълим олишга таъсир кўрсатувчи нинг психологик омиллар ҳақида диссертациянинг кейинги бобида тўхталиб ўтамиз.

Юқоридаги фикрлар касб таълими ўқитувчисининг мустақил таълим олиши янгича ижодий тафаккурга эга бўлган кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди.

1.2. Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг психологик жиҳатлари

Мустақиллик – шахс характерининг ижобий хусусиятларидан бири бўлиб, инсон тафаккури тизимида, турли кўринишдаги фаолият ва ҳаракатларида акс этади. Мустақиллик тушунчаси инсон олдида турган вазифаларни ҳал этиш йўллари ва воситаларини танлашдаги мустақиллик тўғрисидаги тасаввур билан боғлиқдир.

Инсон ҳаётининг ҳар бир даврида унинг мустақиллик даражаси ўзига хос намоён бўлади. Мазкур мустақиллик даражаси инсоннинг ривожланиш шароитларига ва заруратга боғлиқ ҳолда юқори ёки паст бўлиши мумкин.

Билимларни мустақил равишда эгаллашга интилиш-талаба фаолиятининг таълим муассасасидаги энг ажралиб турадиган хусусияти, мустақил ўқиб, билим орттириш асоси ҳисобланади. Мустақил ўқиб, билим орттириш жараёни талабаларнинг мустақил тайёргарлик кўриши демакдир. Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчиларнинг мустақил таълими касбий-педагогик фаолиятга мувофиқ меҳнат натижасининг самарадорлигини оширишга йўналтирилади. Бунда бўлажак касб таълими ўқитувчиси ўз меҳнати натижаларини таҳлил этиб, ўз касбий педагогик фаолияти мазмунини аниқлайди. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг мустақил таълим олишидан асосий мақсади ўз касбий педагогик малакасини ошириш, касбий фаолиятида юқори ютуқларга эришишдан иборат.

Мустақил таълим олиш жараёнини фаоллаштириш учун талабаларда куйидаги хусусиятларни шакллантириш зарур:

- мустақил таълим олишга иштиёқ (мотив);
- мустақил таълим олиш малака ва кўникмалари;
- мустақил таълим олиш лаёқати.

Мустақил таълим олишга фаол рағбат уйғотувчи омиллар куйидагилардан иборат:

- мустақил фаолиятга бевосита фаол қизиқиш;
- ахлоқий эстетик ва руҳий қониқиш мотивлари.

Билиш эҳтиёжлари ривожланишининг босқичлари куйидагилар:

- элементар илмий тадқиқот фаолияти йўналиши босқичи (ташқи таассуротларга эҳтиёжни шакллантириш);
- оламни билишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш босқичи;

- билиш усулини эгаллаш фаолияти сифатида машқ қилиш эҳтиёжини шакллантириш босқичи;

- билиш эҳтиёжларини танлашга йўналганлигини шакллантириш босқичи;

- мустақил таълимга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш босқичи.

Айниқса, сўнгги босқич тадқиқот иши учун аҳамиятли ҳисобланади. Чунки мустақил таҳсил олишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш талабаларнинг етук, баркамол, ўз йўналиши бўйича малакали мутахассис бўлишларида муҳим аҳамият касб этади. Таълим тизимида *мустақил билим олиш, назорат қилиш* мустақил таълим олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Мустақил билим олишда аввало, талабаларда мустақил ишлашга, эркин, ижодий фаолият юритишга эҳтиёжни шакллантириш лозим.

Психолог олим А.Маслоу тадқиқотида кўра инсон эҳтиёжлари пирамидасида ушбу масалага ижодий ёндошилганлигини кўришимиз мумкин [15].




1.1 - расм. Инсон эҳтиёжлари пирамидаси

Ушбу пирамидадан кўриниб турибдики, инсон эҳтиёжлари юқорилаган сари у баркамолликка интилиб боради (1.1-расм). Етукликка эришиш учун эса талабаларда фаоллик, мустақиллик, қизиқувчанлик хусусиятлари камол топиши керак. Бундан ташқари, бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўзларининг амалий фаолиятида иш қобилиятининг пасайиши, чарчаш,

ҳолдан тойиш, меҳнат қилиш, дам олиш тартиби каби жараёнларга дуч келади. Шунинг учун бўлажак касб таълими ўқитувчиси меҳнат гигиенаси ва физиологияси бўйича маълум билим ва малакаларга эга бўлишлари керак.

Талабалар мустақил таълим олиш билан шуғулланишлари учун уларда мустақиллик, фаоллик ва қизиқувчанлик хусусиятлари шаклланган бўлиши керак(1.2 - расм). Бу уч хусусият ўзаро алоқадорликда ва мутаносибликда мустақил таълимга ундовчи хусусиятлар ҳисобланади. Мустақиллик бунда талабаларнинг муаммони ҳал қилишга, мавзунини ўрганиш ва амалий вазифаларни бажаришларига мустақил ҳолда ижодий ёндошишлари тушунилади. Фаоллик бунда талабаларнинг жараёнларга фаол, иштиёқ билан киришишлари тушунилади. Қизиқувчанлик бунда талабаларнинг билим олишга, кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнига қизиқиш, интилиш билан ёндошишлари тушунилади.



1.2 - расм. Мустақил таълим олишга ундовчи хусусиятлар

Талабаларнинг мустақил фаолияти қуйидаги белгиларга эга:

- мустақил фикр юритиш ва унга интилиш;
- ҳар қандай шарт–шароитда ёки вазиятларда бажариладиган иш объектини аниқлай олиш;
- янги вазифаларни ҳал этишда ўз ёндашувини амалга ошира олиш;
- эгалланиши лозим бўлган билимларни нафақат тушунишни, ўрганишни исташ, балки ушбу билим, кўникма, малакаларни ўзлаштиришнинг тез, самарали усулларини излаб топиш;
- бажарилган ишларни таҳлил қилишда танқидий ёндашув;
- ўз ғоя ва қарорларининг эркинлиги.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиси билим ва малакаларини ошириши учун аниқ манбани мустақил ўзлаштиришга ўз кучини жалб қилиши керак, шундагина у касбий амалий фаолиятида юқори даражаларга эришиши мумкин.

Маълумки, талабалар таълим олиш жараёнида ўзларида билим олишга ижодий муносабатларни шакллантиришлари, дарс материалларини юқори даражада ўзлаштиришлари керак.

Бунинг учун хошиш-истакнинг ўзи камлик қилади, ваҳоланки, бугунги кунда ўқув-методик материаллар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари етарли даражада эмас. Педагог олим В.П.Беспалько бу масалага ўз эътиборини қаратиб "Агар дарслик тарбиявий вазифаларга бефарқ тузилган бўлса, ўқувчиларни ўз дунёқарашларини мустақил шакллантиришга умуман ўргатиб бўлмайди. Агар дарсликларда ўқувчиларнинг ижодий сифатларини шакллантиришнинг тарбиявий мақсадлари, бунга эришишнинг йўналишлари кўрсатилмаган бўлса, ўқувчиларга ўзларида ижодий хислатлар, қобилиятларни шакллантиришни таклиф қилиб бўлмайди. Ўз навбатида, ўқувчилардан дарс материалларини юқори-илмий даражада ўзлаштиришларини ҳам кутиб бўлмайди", - деб таъкидлайди [12].

Масалани тўғри ҳал этиш талабаларнинг ёш ҳамда индивидуал хусусиятларини, шунингдек, ўзига хос шахсий хусусиятлари, маънавияти, тарбияланганлик даражаси педагогик, касбий камолоти ва ҳақозоларни аниқлашга ҳам боғлиқ бўлади. Талабаларнинг онгли мустақиллиги ушбу мотивлар – интилиш – қизиқиш – фаол онгли фаолият – унга бўлган эҳтиёж эгалланган билим, кўникма ва малакаларни қўллаш тартибида шакллантирилади [26].

Мустақил билим олиш эҳтиёжларининг ривожланиши субъектни фаолиқка ундайди ва шу билан бирга унинг олдида билим ва малакаларни эгаллаш вазифасини кўяди. Мустақил билим олиш қандай бўлиши керак деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигидаги фаолиятнинг якуни олдиндан аниқ бўлган ўқитиш жараёнидан фарқли равишда, мустақил билим олишда субъект аниқ бўлмаган ва олдиндан режалаштирилмаган натижани қайд этиши керак, яъни билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ ҳажмини ўзлаштириши керак.

Талабаларнинг билимларни мустақил ўзлаштиришда мустақил таълим олиш, яъни автодидактика (автодидактика – ўз-ўзини ўқитиш ва автономлик) тамойили ҳамда инсон эҳтиёжлари пирамидасидаги ўз-ўзини намоён қилиш эҳтиёжи ўзаро алоқадорлигини кўришимиз мумкин [27].

Автодидактика – билимларни ўзлаштириш, тасаввурларни ривожлантириш, тушунчалар, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш йўлида ўқув жараёнининг субъектив мақсадига мувофиқ мунтазам, мустақил ҳамда автоном хусусиятга эга фаолиятни ташкил этиш саналади. Автодидактика тамойилининг муҳим элементлари бўлган «мустақил таълим олиш», «ўз-ўзини тарбиялаш» ҳамда «мустақил ўқиш» каби тушунчалар аниқ мақсад асосида мунтазам, узлуксиз ташкил этилувчи, мустақил ва индивидуал фаолият мазмунини ифодалашга хизмат қилиши қайд этиб ўтилди [27].

Мустақил билим олиш технологияси ва мустақил билим олиш эҳтиёжлари бир-бири билан боғлиқдир: аниқ натижага эриша олишига

ишонмаслик талабанинг мустақил билим олишдан кўнглини совитади. Мустақил билим олиш технологиясини яратиш бир неча алоҳида муаммоларни ҳал этишни кўзда тутлади. Улардан энг муҳими мустақил мунтазам билим олиш мақсадини аниқлай олишдир. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг мустақил ва ижодий равишда билим олиш қобилиятига эгаллигини кўрсатувчи *омиллар* сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мустақил равишда турли қўшимча манбалардан янги билимларни ўзлаштириш орқали ўзида мустақил таълим олиш амалий кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;

- қўшимча адабиётлардан ўзлаштирган билим, эгаллаган амалий кўникма ва малакалардан машғулот жараёнида унумли фойдаланиш;

- олган билимларни дарсда ва ҳаётда турли масалаларни ҳал этиш амалиётида мустақил қўллаш олиш.

Агар талабадан кутилмаган ҳолда топшириқларни мустақил бажариш талаб этилса, у топшириқларни бажара олмаслиги мумкин. Натижада талаба ўз кучига бўлган ишончни йўқотади. Бундай ҳолат содир бўлмаслиги учун дастлаб топшириқларни шу таҳлитда бериш керакки, бунда субъект топшириқнинг бирор қисминигина мустақил бажарсин, сўнгра ўқитувчи билан биргаликда натижаларнинг тўғрилигини таҳлил қилиб чиқсин.

Топшириқларни бажариш жараёнида талабаларда сабабий-ташкилий (ўқув фаолиятини мустақил ташкил этишнинг қадриятли йўналишлари, билим, кўникма, малакалари), мазмунли-процессуал (ўқув фаолиятининг моҳиятини билиш ҳамда бу фаолият муваффақиятли бўлишини белгиловчи шахсий сифатларни ривожлантириш) ва текшириш-баҳолаш (мустақил билим олишда зарур саналган шахс хусусиятларини ўзи баҳолаш) каби кўникмаларнинг шаклланиши мустақил билим олиш жараёнида мажмуавий равишда шаклланиб боради.

Талабанинг фаоллиги объектнинг ўзи билан ишлашга йўналган бўлса, бундай ҳолларда кўпроқ билиш мотивларининг ҳар хил турлари ҳақида фикр юритиш мумкин. Талабанинг фаоллиги меҳнат давомида бошқа кишилар билан муносабатга йўналган бўлса, унда турли ижтимоий мотивлар мавжуд дейиш мумкин. Талабаларнинг – дарс мобайнидаги мустақил ишлари бу техник–технологик, иқтисодий ва ташкилий машқлардир. Машқлар пухта ўйлаб тузилган педагогик жиҳатдан асосланган амалий тизимдан иборат бўлиб, талабаларда изчиллик билан билим ва кўникмаларни шакллантиришни кўзда тутиши керак.

Тегишли мавзу учун техник, технологик, иқтисодий ва ташкилий машқлар тизимини белгилашда амал қилиш лозим бўлган асосий талаблар қуйидагилардан иборат: техник, технологик, иқтисодий ва ташкилий машқларнинг мазмун жиҳатдан изчиллиги ва ўзаро боғлиқлиги; мазмун ва дидактик топшириқларнинг осондан-қийинга, яъни мураккаблашиб бориши; талабалар мустақиллик даражасининг аста-секин ўсиб бориши; техник, технологик, иқтисодий ва ташкилий машқларнинг мазмуни ҳамда дидактик

вазифалар жиҳатидан турли-туманлиги; вақт бўйича тўғри тақсимланиши; ўзаро боғлиқ мавзулар доирасида такрорланувчанлиги ва ҳоказолар.

Бу талаблар мавзуга доир материаллар учун ҳам умуман меҳнат ва касб таълими ўқув устахонасида ўқиш даврида ўтказиладиган техник, технологик, иқтисодий ва ташкилий машқлар тизими учун ҳам хосдир.

Бўлажак касб таълими ўқитувчилари мустақил таълим олишлари учун қуйидаги икки турдаги билим ва малакаларга эга бўлишлари керак: умумкасбий – эгаллаш лозим бўлган умумий билимлар; касбий – касбий фаолият жараёнида назарий ва амалий олинган билимлар. Талабалар томонидан билим, кўникма ва малакалар мукамал эгалланиши учун уларда бир қанча психологик мотивлар шаклланган бўлиши керак.

Таълим олувчиларнинг ўқув жараёнларини педагогик механизмларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Инсонда ташқи ахборотларни қабул қилиш, уларнинг мустақил фаолият кўрсатишларида муҳим аҳамият касб этади. Ахборотларни 5 та сезги аъзолари воситасида қабул қилиш нисбати қуйидагича кўрсаткичларга эга:

- кўриш аъзоси орқали – 83 % ;
- эшитиш аъзоси орқали – 11 % ;
- ҳид билиш аъзоси орқали – 3,5 % ;
- тери сезгиси орқали – 1,5 % ;
- таъм билиш аъзоси орқали – 1 % .

Дидактикада турли сезги аъзолари орқали иштирокида ўзлаштирилган ахборот орадан 2 ҳафта ўтгач, қуйидаги миқдорларда хотирада қолиши аниқланган: ўқиганимизнинг – 10 %, эшитганимизнинг – 20 %, кўрганимизнинг – 30 %, кўрган ва эшитганимизнинг – 50 %, гапирганимизнинг – 80 % , гапирган ва амалда бажарганимизнинг – 90%. Бундан кўришиб турибдики, олинган билимларнинг уйда мустақил ўқиш ва амалда синаб кўриш натижаси самаралироқ экан.

Талабаларга билим берувчи ҳар бир ўқитувчи юқоридаги мезонларни инобатга олган ҳолда, ўз дарсини ташкил қилса ва талабаларнинг ижодий тафаккур жараёнларини ривожлантиришга эътибор қаратса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таълим муассасаларидаги ўқитувчиларнинг турли хил иш усулларини ўрганиш натижасида уларнинг фаолият йўналишларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва ташкил этиш мумкин. Таълим олувчилар билим ва малакаларни қуйидаги тартибда эгаллашлари мумкин: ўқитувчи мавзунини баён қилаётганда диққат билан тинглаш ва унинг асосий мазмунини аниқлаш; ўқитувчи баён этаётган материал моҳиятини эшитишга ва керакли жойларини ёзиб олишга, диққатни тўғри тақсимлашга жалб қилмоқ; китоб билан мустақил ишлай олиш (қисқа муддатда адабиётдан керакли маълумот олиш, фойдаланиш учун маълум усулларни ўрганиш, матн манбаларини таҳлил қилиш, ўқитувчи маслаҳатлари ва методик қўлланмалардан фойдаланиш); китобларни, маърузаларни, фильмларни,

спектаклларни, телекўрсатувларни, таржима матнларни, электрон китобларни мустақил таҳлил қилиш; мустақил таълим олиш жараёнида билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш учун ўз-ўзини назорат қилиш; ўрганилаётган манбани солиштириш, таққослаш ва асосли мантиқий ечимини исботлаш; ўрганилаётган манбадан янгиликларни ажратиб олиш; муҳокама қилиш.

Юқорида кўрсатилган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш тартибини таълим муассасаларида назарий машғулотларни ташкил этишда мустақил таълим жараёнига жорий қилиш мумкин.

Ўқитувчи таклиф қилаётган ўқув материалининг қизиқарлилиги, тизимлилиги, ҳаётийлиги ҳар бир гуруҳда уни чуқур ўрганиш учун мустақил иш бажариш моҳиятини очиб беради.

Талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш учун куйидагиларга этибор бериш мақсадга мувофиқ:

- талабалар ўқув фаолиятининг аниқ мақсадини белгилаш (машқлар қилиш, мустақил ишлаш), унинг талабалар томонидан тушунишларига эришиш;

- ҳар бир талабанинг ишини идрок этиш ва шу билан бир қаторда бутун жамоанинг иш фаолиятини ҳам назардан четда қолдирмаслик;

- талабаларда ўз меҳнатини мустақил таҳлил қилиш, хатолар сабабини ва уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш усулларини топиш қобилиятларини ҳамиша ривожлантириб бориш;

- хатоларни тузатишга доир тайёр кўрсатмалар бермаслик, талабаларнинг ўзи ушбу хатоларни англаш ва бартараф этиш усулларини топишларига эришиш;

- талабаларнинг топшириқларни бажаришларига қараб ижодий ёндошишларини ҳамиша рағбатлантириб туриш;

- талабаларни янги, илғор, юксак унум берадиган иш усулларини қўллашга ундаш, пайдо бўладиган қийинчиликларни тушуниб етишида уларга ёрдам бериш, уларнинг мустақил ишлашлари учун шароит яратиш;

- талабаларнинг таълим жараёнига ижодий ёндошишлари, топшириқларни онгли бажаришларини таъминлашга эришиш;

- яхши ўзлаштира олмаётган талабаларга мунтазам ёрдам бериш, бунинг учун иш усулларини такрор кўрсатиб, уларни ижодий мустақил иш фаолиятини олиб боришга ундаш;

- талабалар ишларини маълум вақтларда назорат қилиб туриш, уларга тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар бериш;

- талабаларнинг иш жараёнида ижодий ёндашиб, мустақил бажарган ишларини назорат қилиш ва муносиб баҳолаб бориш.

Ҳозирда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил ижодий фаолият кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг муҳим омили эканлигига эътибор қаратилмоқда. Улар муаммоли суҳбат (изланиш

характеридаги саволлар ёрдамидаги суҳбат) дан кенг фойдаланиб, талабаларнинг тайёр кўрсатма ва тавсиялар олмасдан, топшириқ ҳамда вазифаларни мустақил ижодий бажаришларига замин яратмоқдалар.

Мустақил таълим талабаларда:

- шахсий, касбий, индивидуал хусусиятларни намоён этиш;
- билим, кўникма, малакаларни шакллантириш;
- умумтехник ва махсус фанларга оид билимларини режалаштириш;
- ўқув топшириқларини тартибга солиш ва назорат қилиш учун онгли равишда фойдалана билиш;
- ижодий қобилиятларини ривожлантиришга асос бўлади.

Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш яхлит педагогик жараён бўлиб, у қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- талабаларнинг мустақил таълим ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш, назарий ва амалий билим олиш фаолиятини таҳлил қилиш, мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини ўрганиш асосида уларга мустақил таълим олишнинг ижтимоий–педагогик аҳамияти тўғрисида маълумот бериш;

- талабаларнинг мустақил таълим олишга бўлган эҳтиёжи ва унга таъсир кўрсатувчи психологик омилларни ўрганиш, мустақил таълим мазмунини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқилган мустақил таълим мазмуни асосида аудиторияда ва аудиториядан ташқарида мустақил таълим олиш ўқув юктамалари ҳамда вақт меъёрларини аниқлаш;

- дидактик жараённи амалга ошириш мақсадида мустақил таълимнинг ташкилий шакллари, самарали методлари ва воситаларини танлаш;

- таълим мақсадини амалга ошириш учун талабаларнинг мустақил таълим олишга қизиқиш ва эҳтиёжларини эътиборга олиб, аниқ мавзулар бўйича топшириқлар, ишланмалар, тавсиялар ишлаб чиқиш;

- талабаларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- талабалар мустақил таълимини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- талабаларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражасини баҳолаш.

Талабалар мустақил таълим олишини ташкил этишнинг юқорида келтириб ўтилган алгоритми тадқиқот ишининг мазмунини белгилаб беради.

Ўз-ўзини бошқара олишига кўра – ижодий жараённи ташкил эта олиш қобилияти, ўз фикрларини зарур йўналишда бошқара олиш, янги ечимлар, ғоялар топиш имконини берувчи манбаларга интилиш, ўз ижодий фаоллигини таъминлаш учун мустақил равишда шароит ярата олиш, касбий ривожланиш имкониятларини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолаш, мустақил таълим олишда замонавий техника ҳамда технологиялар имкониятларидан фойдалана олиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади.

Юқоридаги психологик омиллар натижасида касб таълими йўналиши талабаларида мустақил таълим жараёнларини ташкил этишга эътибор

қаратилган бўлса, кейинги параграфларда талабаларнинг мустақил таълими мазмуни, амалий фаолиятдаги ўзига ҳос хусусиятлари, мустақил таълимни ташкил қилиш босқичлари ҳақида фикр юритилади.

I.3. Касб таълими тизимида талабалар мустақил таълимнинг мазмуни, хусусиятлари ва малака даражаларини аниқлаш мезонлари

«Мустақил таълим» тушунчаси педагогик луғатларда ўқув юртидан ташқари, мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб таърифланган. Айни вақтда «мустақил таълим олиш», «ўзини тарбиялаш», «мустақил ўқиш» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда.

Илмий тадқиқот натижалари асосида мустақил таълимга куйидагича таъриф берилди: *мустақил таълим – ўқув материални мустақил ўзлаштириши, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариши асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришига қаратилган тизимли фаолиятдир.* Мустақил ишлар дидактик мақсади, вазифаси, мураккаблик даражаси, кимга (индивидуал ёки жамоа учун) мўлжалланганлигига қараб, бир-биридан фарқ қилади. Мустақил таълим жараёнида танланган мавзуларнинг илмийлиги, тизимлилиги ҳамда ўқув материалларининг қизиқарлилиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқадорлиги, шунингдек бериладиган мустақил ишлар ва топшириқларнинг ижодий характерга эгаллиги муҳимдир. Унинг назарий, амалий, илмий, методик ва педагогик асослари таҳлил қилини, самарали шакллари, воситалари танланса, ижобий натижаларга эришиш мумкин. Бунда ўтиладиган мавзунинг амалиёт билан узвийлиги, илмийлиги ва ўқув материалларининг қизиқарлилиги, мавзуларнинг тизимлилиги, топшириқ ҳамда вазифаларнинг кўп қирраллиги, ўзаро боғлиқлиги муҳим ўрин тутди. Аммо энг асосийси, талабаларнинг мустақил равишда таълим олиш фаолиятини ташкил этишда уларнинг интилиш ва қизиқишларига эътибор қаратиш зарур. Талабаларнинг эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишини, улар ижтимоий фойдали, тарғибот–ташвиқот ишларида иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг ўқув фаолиятини кузатиш давомида шу нарса аниқландики, онгли қизиқиш мустақил фаолиятга ундовчи, қизиқиш уйғотувчи куч бўлиб ҳисобланади.

Айнан касбий фанларга онгли қизиқиш талабаларда амалий машғулотларда мустақил англаш, тафаккурни шакллантириш ва кенг, чуқур идрок эта олиш жараёнларига интилишни уйғотади. Касб таълими йўналиши талабаларининг мустақил таълимга **мотивацион** муҳитлари бошқа манбалар, касбга бўлган қизиқишлари туфайли шаклланади. Онгли қизиқиш – мустақил фаолиятнинг энг муҳим кўрсаткичи, юқори даражасидир. Бу эса фан

Ўқитувчилари маҳоратининг даражасига боғлиқлиги ўқувчиларда у ёки бу фан ёки касб мутахассислигига нисбатан қизиқиш шаклланади. Ўқувчилар барча касб сирларидан хабардор бўлишлари учун вақт етишмасида, уларда қизиқишга илк қадам қўйишларида ўқитувчи берадиган маълумотларнинг аҳамияти каттадир.

Талабаларнинг мустақил таълимига методик жиҳатдан раҳбарлик қилишда уни ривожлантириш йўлларини ўрганиб чиқиш давр талабидир. Энг барқарор рағбатлантириш усули бу касбий меҳнат ҳамда ишга ижодий ёндашув фаолиятидир. Ёшларни турли-туман амалий, ижтимоий, ташкилий, ижодий фаолиятга жалб этиш ҳам мустақил таълим самарадорлигини ошириш омилидир.

Мустақил таълим жараёни қандай амалга оширилиши, унинг ривожланиши, ўзлаштирилган билимлар асосида мустақил таълим фаолияти даражаларини қуйидаги мезонлар билан белгилаш мумкин:

- мақсадга йўналтирилган, мотивацион муҳитдаги мустақил таълим;
- мустақил тафаккур жараёнини таъминловчи кўникмалар;
- мустақил таълим фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган кўникмалар.

Талабалар мустақил таълим олишлари жараёнида қўшимча адабиётларга мурожаат қилади, ўтилган мавзуларни қайта кўриб чиқади. Кўпгина талабалар уйга берилган маъруза матнлари устида ишлайдилар, маърузалар, рефератлар тайёрлашда илмий-оммабоп, даврий нашрлардан фойдаланадилар.

Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш усуллари эгаллайди. Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда дидактикада мустақил таълим даражасини оширувчи бошқарув, рағбатлантириш, ташкил этиш ва назорат воситалари сифатида қаралади.

Талабанинг ўқув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талабларнинг қўйиши уларнинг мазмунини бойитади. Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда топшириқларнинг берилиш шакли эса олдин ўзлаштирилган намуна бўйича хулосалар чиқаришни кўзда тутувчи бошқарув топшириқлари ва масалаларининг бажарилиши саналади.

Бизнинг фикримизча, педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда ва масалаларда автоном ҳолда мустақил билим олишга ўтиш учун катта имкониятлар мавжуд. Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда мустақил билим олишни амалга оширишга имкон берувчи топшириқлар тўпламини яратиш учун асос бўла олади.

Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларда объектив, аниқ педагогик ва ишлаб чиқариш муаммоларини акс эттиради. Ўқитувчи ўрганилаётган педагогик ҳодисалар ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро зид хусусиятларини акс эттириш учун муаммоли вазиятдан фойдаланса,

объектив муаммо ўқув муаммосига айланади. Талабалар учун тушунарли бўлган ўқув педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари ўқув топшириғи саналади.

Ўқув топшириғи муаммоси фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга имкон беради, бироқ уларнинг ҳар бири ҳам илмий даражада педагогик ва психологик тушунчаларни мустақил шакллантиришга олиб келмайди. Шу боис педагогик ва техник-технологик мустақил ишларни ишлаб чиқишда ўқув муаммоларининг дидактик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Топширик тўғри ифода этилса, талаба томонидан уларнинг қабул қилиниши осонлашади.

Мустақил билим олиш назариясига мувофиқ педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни ишлаб чиқиш қоидалари қуйидагилардан иборат:

- педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишлар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш вазиятлари билан боғлиқ муаммоларга эга бўлиши керак;
- мустақил ишлар асосини ташкил этувчи муаммони ҳал этишнинг турли усуллар (таҳлил, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш ва бошқалар) ёрдамида амалга ошириш;
- мустақил ишларни бажариш исботини аниқлаш ва талабалар онгида, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасида мустаҳкам боғлиқликни мустаҳкамлаш асосида тушунчаларни юзага келтириш имкониятларини кўзда тутиши лозим;
- муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришнинг яхлит ифодаланган ёки ифодаси топшириқ шартларини ташкил этувчи бир неча оддий тушунчалардан субъект томонидан ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини беради;
- муаммоли вазиятли топшириқларни бажариш жараёнида оддий тушунчалар ёки субъектга маълум бўлмаган тушунчалар бир-бири билан таққосланади;
- тушунчаларни таққослашда субъект фикрлашнинг турли: таҳлил, синтез, солиштириш, таққослаш, техник объектлар орасидаги умумийлик, типиклик ва хусусийликни топиш амалларини бажаради;
- муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришда субъект қуйидаги амалларни бажаради:
- тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан қайта ишлаб чиқади;
- тушунчалар шаклини ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади;
- илгари ўзлаштирилган тушунчаларни расмий-мантқиқий фикрлаш усулларида фойдаланиб, қайта ўзгартиради;
- назарий фикрлаш асосида янги тушунчаларни шакллантиради [29].

Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишлар одатда талабалар эътиборига дарҳол ҳал этиш мумкин бўлган масала кўринишида ҳавола

этилади. Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишлар мазмунида кўпинча, амалий ҳаётда учраб турадиган муаммо акс эттирилган бўлади. Талабалар уларни шундай қайта ифодалашлари керакки, мавжуд тажрибаларга таяниб, ечимга эришиш имконини берувчи шартларни реал вазиятдан ажратиб олсинлар.

Агарда ўқитувчи томонидан масалага айлантирилган ўқув топшириқларини бажариш жараёнида талаба ечим йўлини топа олмаса, у ҳолда у аниқ вазиятга дуч келиб, ушбу вазиятни педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммосининг ечимини излашга имкон берувчи ҳолатга айлантира олмайди. Масалани ечиш маълум дидактик вазифаларга қатъий амал қилишни тақозо этади. Масала шартлари аввалдан тузувчи томонидан белгилаб қуйилганда, талабадан вазиятни қайта ўзгартириш малакасини намойиш қилиш талаб этилмайди. Шу боис талабалар билимларини бошқа вазиятга кўчириш ва уларни амалда қўллашда қийинчиликлар ҳис этадилар.

Мустақил билим олишда кўпинча шартлари ифода этилмаган топшириқларни бажаришга тўғри келади. Талаба масалани ечар экан, шартларни ўзгартириш тартиби билан танишади, аниқ бир муаммони таҳлил қилиш ва ўқув-педагогик ёки техник-технологик масалани бажаришда мавжуд кўникма ҳамда малакалардан фойдаланади.

Бундай педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Шартлари ифода этилган, бироқ ечиш учун зарур бўлган барча маълумотлар берилмаган масалалар. Улар назарий ва амалий масалалар тарзида икки гуруҳга ажратилади. Амалий масалалар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғлиқ бўлади. Бундай масалаларни ечишда фақатгина ақлий фаолият, билим, малака ва кўникмаларгина эмас, балки сенсор ҳамда ҳаракатлар фаоллигига эришиш талаб этилади. Бу масалалар мустақил билим олиш технологияларининг амалиёт билан узвийликни таъминлашга ёрдам беради.

2. Ўзлаштирилмаган билим, ҳаракат ва операцияларга дуч келинмайдиган масалалар. Мазкур масалалар аввал ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, уларни янги вазиятларда қўллаш, фикрлаш малака ва кўникмаларини эгаллаш ҳамда мавжуд билимларни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган.

3. Саволлар – янги билимларни қабул қилиш ва ўзлаштиришга тайёрликни аниқловчи восита. Саволларда қуйидаги икки жиҳат кўзга ташланади: мавжуд билимларни текшириш ва мустақил хулосага келишга йўналтириш. Саволлар репродуктив ва продуктив тарзида икки гуруҳга бўлинади. Репродуктив саволлар хотирани мустаҳкамлаш, продуктив саволлар эса фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Улар субъектларга ақлий ҳаракатларни ўзлаштиришга ёрдам беради, шунингдек, таҳлил, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш, муҳимини

ажратиш, мустақил равишда хулосаларга келиш ва амалий қарорларни қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Талабалар педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишлар ёрдамида педагогик ҳодисалар, техник объектлар, технологик жараёнлар ўртасидаги турли хусусият ва боғлиқликларини аниқлайдилар (таҳлил ва умумлаштириш кўринишидаги ҳаракатларни амалга оширадилар), уларни ўзаро солиштирадилар, таққослайдилар, бу ҳодиса, жараён ва объектларнинг умумийлиги ҳамда ўзига хос муҳим хусусиятларини кўрсатадилар. Ўқув топшириқлари аста-секин мураккаблаштириб борилади. Энг яхши тайёргарликка эга бўлган иқтидорли талабалар ижодий ва изланиш хусусиятига эга бўлган мураккаб топшириқларни бажарадилар. Камроқ тайёргарликка эга бўлган талабалар, соддароқ топшириқларни бажарадилар, бироқ шунга қарамай, топшириқлар устида ишлаш уларга умумий масалани ҳал этишда гуруҳ билан бирга ишлашга имкон беради. Мураккаб топшириқларни бажариш баъзи талабаларга педагогик-психологик ва техник-технологик тушунчаларини илмий даражада дарҳол ўзлаштириш имконини беради[29].

Бундай талабалар учун фаолият кўрсатиш, ривожланиш, мустақил фаолиятга мақсадли йўналганлик, тизимли равишда иш юритиш, ўқув фанига ва мустақил ишга қизиқиш, такомиллаштирилган методик қўлланмалар асосида билимларини чуқурлаштиришга интилиш хусусиятлари хос бўлади. Талабалар кўпинча дарсликда берилган метариални онгли ўзлаштирмай, фақат ёдда сақлаб қоладилар ва ўқитувчига сўзлаб берадилар. Бундай талабалар касбий фаолиятда ҳам фақат топшириқ асосида ишлашга ўрганиб қоладилар. Улар берилган «Намуна» асосидагина иш юритадилар. Натижада фаол мустақил тафаккурга эга бўлишга интилмайдилар. Бу қуйидаги хулосаларда ифодаланади: ўқитувчи уларга мураккаб материални тушунтириб беради ва талаба тайёр материал асосида иш кўради, бироқ ундан мураккаброқ материал устида ишламайди. Ўқитувчи китобда ёзилгандан кўра талабаларнинг мустақил ишлашлари учун оддийроқ, тушунарлироқ тилда тушунтириб беради.

Мустақил таълим фаолиятининг биринчи босқичида фанларга бўлган қизиқиш асосий манба бўлади. Бироқ бу қизиқиш етарли даражада қатъий ва чуқур бўлмайди. Бунда ҳам мақсадга йўналтирилган, тизимли, махсус ташкилий, мустақил таълим фаолияти мавжуд эмас. Фақат китоблар ўқиш, махсус маърузалар тинглаш, мустақил тафаккур фаолиятига интилиш бўлади. Шахснинг мустақил таълим олиш фаолиятига қизиқишлари ҳам мужассамлашмаган, у ҳам кўплаб қўшимча, кенг миқёсли ишларни амалга оширади, бироқ буларни узвий равишда эмас, балки баъзан ва чуқур билимга эга бўлмай амалга оширади.

Мустақил таълим фаолиятининг иккинчи босқичида талабалар мустақил (албатта, нисбатан) ўз олдида мақсад ва вазифалар қўйиб, мустақил фаолият мазмунини англаб, ташкилий ишларни амалга ошириб борадилар. Бу даврда

талабалар шахсий – ҳаётӣ режалар, ғояларни амалга ошириш воситаси сифатида касбий вазифаларни ҳал этадилар. Иккинчи босқичда уларнинг мустақил фаолият қизиқишлари жиддийлашади, фаннинг алоҳида қисмини ўрганиш, бу орқали ўз ҳаётӣ режаларини тузиш, бирор касбни эгаллашга бўлган қатъий истак асосий ўрин тутди. Онгли равишда кўшимча фаолият билан шуғулланади, ўз ғояларини амалга ошириш воситасига айланган мустақил таълим билан шуғулланишга интилиш пайдо бўлади. Мустақил таълимни онгли равишда ташкил этади.

Мустақил таълим фаолиятининг учинчи босқичида талабалар мустақил таълим билан бир неча йил шуғулланиб, ўз касбий мақсадлари, фаолияти йўналишларини вазифаларини аниқ белгилаш малакасига эга бўладилар.

Мустақил билим олиш даражасини баҳолаш ўз-ўзини баҳолаш ва ўқитувчи томонидан баҳолаш асосида қиёсланади.

Талабаларни мустақил ишга тайёрлашда ўқитувчиларнинг роли айниқса катта бўлади. Ўқитувчи мустақил иш мавзусини талабанинг имкониятига, билим даражасига мослаб, унда шу ишга нисбатан қизиқиш уйғотадиган ва мустақил фикр юритишга мажбур қиладиган қилиб белгилаши лозим. Бу ишни бажариш учун зарур бўладиган барча маълумотларни методик қўлланмаларни бериши ва ишни бажариш тартиби керак бўлганда савол – жавоблар уюштиришни, маслаҳатлар бериш ва шу мавзулар бўйича экскурсиялар ташкил қилиш зарур.

Ўқитувчи тайёрлаш ўқув режасига киритилган таълим дастурларида талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олишлари назарда тутилган. Барча йўналишдаги бакалавр-ўқитувчи тайёрлаш ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланган. Шундан аудитория ўқув ишлари ҳажми ҳафтасига 28 соат, қолган қисми, яъни 26 соати аудиториядан ташқари мустақил таълим олишга қаратилган. Касб таълими йўналишида бўйича бакалавр-ўқитувчилар тайёрлаш учун белгиланган ўқув юкламасининг умумий ҳажми 7344 соатни, шундан мустақил иш соатлари 2992 соатни ташкил қилади. Бундан кўришиб турибдики, бакалавр даражасидаги кадрларни тайёрлаш учун ўқув режасида белгиланган юкламанинг 48 % ҳажми мустақил таълим олишга қаратилган. Мустақил ишларни бажаришда талабалар фанлараро боғланишни ҳисобга олиб, ўқув адабиётларини танлайди, улардан керакли маълумотларни ёзиб олади, уларни таҳлил қилиб, мустақил ишнинг мазмунини ўрганади ва шу иш бўйича тушунчага эга бўлади. Ушбу ҳолатни қуйидаги 1.1-жадвалда ҳам кўриш мумкин.

1.1 – жадвал

**Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчилар тайёрлаш
ўқув режаси асосида ажратилган соатлар миқдори**

Фанлар блоклар номи	Талабанинг иш ҳажми (соатларда)		
	Умумий соатлар	Аудитория машғулот- лари	Мустақил таълим
Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1836	1088	748
Математик ва табиий фанлар	1140	674	466
Умумкасбий фанлар	3278	1944	1268
Ихтисослик фанлари	640	380	260
Қўшимча фанлар	450	266	184
Ҳаммаси	7344	4352	2992

Берилган масаланинг бир қисмини аудиториядан ташқарида (кутубхона, лаборатория хонаси ва бошқалар) ҳам мустақил ишлашга рухсат этилади. Мустақил иш дастурини белгилашда ўтилган мавзуларнинг такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда талаба учун илмий, амалий жиҳатдан муҳим, ўрганган ҳамда ўрганаётган билимларидан ижодий фойдаланиш мумкин бўлган саволлар ва масалалар қўйилади.

Ўқув дастурининг бўлими бўйича талабаларнинг мустақил тайёргарлиги тугагач, фикр алмашиш мақсадида улар ўқиб ўрганган адабиётларда қизиқарли масалалар ўртага ташланади. Берилган масала бўйича фикрлашув ва тортишувда фаол иштирок этган талабаларни ўқитувчи баҳолайди.

Илмий педагогик адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги тўртта тури қайд этиб ўтилади: намуналар бўйича бажариладиган мустақил ишлар, реконструктив-вариатив, эвристик (қисман ижодий), ижодий тадқиқот характеридаги мустақил ишлар. Аммо уларда юқорида қайд этилган мустақил ишлар натижасини текшириб кўриш, таҳлил этиш, синтез қилиш, баҳолаш, хулоса чиқариш ҳақида сўз юритилмайди. Бизнингча, мустақил ижодий тадқиқот натижаларини таҳлил этиш ва синтез қилиш ҳам муҳим педагогик аҳамиятга эга(1.3-расм). Уни мазмунан таркиб топтириш билан бирга талабаларнинг ўз ишларини ўзлари текширишлари ҳамда назорат қилишлари мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришда яхши самара бериши аниқланди. Уларнинг моҳияти қуйидагича тавсифланади:

- намуналар бўйича мустақил ишларда типик вазифалар амалга оширилади, яъни турли машқлар, амалий ишлар намуналар асосида бажарилади. Намуналар бўйича бажариладиган мустақил ишлар ўқув

материалларини ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабалар ижодий фаоллигини ривожлантирмайди;


- реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар мазмунини қайта ишлаб чиқишни, масала ёки муаммони ечишда улардан амалий фойдаланишни тақозо этади;

- эвристик (қисман ижодий) мустақил ишларда маъруза, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган муаммолар ҳал қилинади;

- ижодий тадқиқот ишларида талаба масалани ҳал қилиш йўлларини мустақил қидиради ва тадқиқ этади. Бундай ишлар қаторига тажриба-синов ишларини ўтказиш, жиҳозлар, моделлар, макетлар ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради. Ижодий тадқиқот характеридаги мустақил ишлар талабаларда муаммони кўра билиш малакасини шакллантиради ва натижада улар муаммони мустақил ифода қилади ва уни ҳал этиш режасини ишлаб чиқади.

Биз тадқиқот жараёнида ижодий тадқиқот характеридаги мустақил ишлар натижаларини таҳлил этиш ва синтез қилиш асосида умумлаштиришни ҳам мустақил иш тури сифатида қараб ўтдик.

Ижодий тадқиқот натижаларини таҳлил этиш ва синтез қилиш орқали талаба ўз-ўзини танқидий назорат қилган ҳолда эгалланган билим, кўникма ва малака элементларини ўрганиб, мақсадига қай даражада эришганини аниқлайди. Мустақил ишлаш самаралари ҳақида хулосалар чиқаради.



1.3-расм. Мустақил иш турлари

Касб таълими йўналиши талабаларининг мустақил таълим олиш фаолияти билим олиш жараёнларини ва амалий фаолият олиб боришни,

технологик жараён ҳамда техник объектларни танлаш жараёнини, ижодий фикрлаш жараёнларини жадаллаштиради, юксак ақлий ривожланишнинг асосий шартли сифатида мустақил ва фаол фикрлашни шакллантиради.

Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчилар тайёрлашда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш қуйидаги йўллар асосида тартибга келтирилди:

- ўқув фаолиятида инсон объектив борлиқни ўрганишда, ўзининг ҳаётий тажрибасини бойитишда, табиатга таъсир кўрсатиш воситаларини билиб олишда, шу билан бир вақтда, ўзининг қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам берувчи идрок этиш малакаси муҳим аҳамият касб этади.

- талабалар амалий фаолияти жараёнида керакли билим, кўникма ва малакалар эгаллашлари, бу жараёнда ўқитувчи кузатишга, ўз кузатишларини тажрибалар йўли билан текширишга, ўқув адабиёти билан ишлашга, фан маълумотларидан кундалик ҳаётида фойдаланишга ўрганади.

Касб таълими методларидан талабаларда мустақил таълим олиш малакаси шаклланганлик даражасини аниқлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Уларни шартли равишда қуйидаги номлар билан аташ мумкин:

1. Ўқув материалларини ўрганишда ва мустақил иш жараёнини ташкил этишда умумийдан типикликни ва хусусийликни ажратиб олиш малакаси (ажрата олиш малака).

2. Мустақил иш бажарилиши жараёнида технологик жараёнларни ва техник объектларни танлаш, амалий бажариш, техник чизмалар, схемалар тузиш малакаси (тузиш малакаси).

3. Аудиторияда, аудиториядан ташқарида, ўқув устахонасида ва уйда мустақил ишларни самарали ташкил этиш малакаси (ташкил этиш малакаси).

4. Мустақил фикрлаш малакаси (фикрлаш малакаси).

5. Материални ўрганишда ўз-ўзини назорат қилиш малакаси (назорат қилиш малакаси).

1.2-жадвалда талабаларнинг мустақил фаолият олиб бориш малака ва кўникмаларини эгаллаш кўрсаткичлари келтирилган. Талабаларнинг аудиториядаги ва аудиториядан ташқари мустақил ишлаш шакллари ҳамда талабаларнинг мустақил фаолияти кўрсаткичлари асосида уларда мустақил ишлаш кўникма, малакаларининг ривожланганлик даражалари динамикаси ишлаб чиқилди .

1.2 - жадвал

Талабаларнинг мустақил таълим олиш кўрсаткичлари

№	Мустақил таълим олиш малакалари	Мустақил таълим олиш кўрсаткичлари
1	Ўқув материалларини ўрганишда ва мустақил ишни ташкил этишда умумийдан типикликни ва хусусийликни ажратиб олиш малакаси	Ўқув материалнинг асосий мазмунидан муҳим хусусиятларини самарали ва тез ажратиб олиш. Технологик жараёнлар ва техник объектларни танлашда ўз билими, малакаси ва ўқитувчи ёрдамига суяниш.
2	Мустақил иш бажарилиши жараёнида технологик жараёнларни ва техник объектларни танлаш, ўқиш, ёзиш, чизиш, схемалар тузиш малакаси	Технологик жараёнларни илмий нуқтаи назардан яхши илғай олади, техник объектларни танлашда, ўқиш, ёзиш, меҳнат операцияларини бажаришда ишлаш сурати юқори, иш бажариши жараёнида мустақил равишда танлаш ва таҳлил қилиш хусусиятига эга.
3	Аудиторияда, аудиториядан ташқарида, ўқув устахонасида ва уйда мустақил ишларни самарали ташкил этиш малакаси	Техник топшириқлар учун вақтни тўғри тақсимлайди, ўқув қуролларидан тўғри фойдаланади, ўқув топшириқларини бажаришга жадал ва фаол киришади, керакли асбоб анжомларни ва технологик жараёнларни ўз салоҳиятига мос ҳолда танлайди.
4	Мустақил фикрлаш малакаси	Техник масалани ҳал этиш йўллариини ўзи мустақил, ижодий ҳолда топишни билади, амалий фаолият жараёнида, масалани ечишда мустақил элементларни ва усулларни киритади, ўзига хос фикрлайдиган, топшириқлар ҳамда машқларни бажаришда ихтирочилик ва ижодкорлик элементларини, амалий иш бажаришда мақбул усулларни мустақил танлайди.
5	Материални ўрганишда ўз-ўзини назорат қилиш малакаси	Ўқув ишларида ўз-ўзини назорат қилиш, мустақил ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун ўзини қўшимча саволлар ва мустақил ишлаш топшириқлари ёрдамида текширади, амалий бажарилган ишларнинг сифат даражасини таҳлил қилинади, йўл қўйилган хатолар устида мустақил ҳолда изланишлар олиб боради, тузатишлар натижасида янгича усулларни ўрганади

Ушбу жадвалда мустақил таълим олиш даражаларига эришишда талабалар томонидан қандай кўрсаткичларга эга бўлишлари лозимлиги келтириб ўтилган.

Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларини мустақил ишлаш малакаларига ўргатиш турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин.

1. Талабаларга техник масалани, мисолни ечиш намунаси берилади, улар билан танишгандан сўнг талабалар мустақил ёки жамоа бўлиб, шунга ўхшаш масалани ечадилар. Уларга амалий иш бажаришнинг технологик харитаси берилади, талабалар харита асосида мустақил ҳолда фаолият билан шуғулланидилар. Тўпланган тажрибалари асосида талабаларнинг умумий фаолияти режасини тузиш, яъни масалани ечиш ва амалий машқларни бажариш тартибларини фойдаланадиган усулларни кўрсатишлари таклиф этилади.

2. Талабаларга техник масалани ечишнинг тайёр йўриқномаси (режа ёки алгоритми), амалий иш бажариш босқичлари, уни қўллаш намунаси ва мустақил иш учун топшириқлар берилади. Бажариш жараёнида топшириқнинг энг қийин босқичлари жамоа бўлиб ўрганилади.

3. Талабаларга мавзулардан бири бўйича масалани ечиш ёки техник-ижодий машқ бажариш режаси берилади. Унинг амалиётда қўлланилишини машқ қилиб, талабалар бошқа мавзуга ўтадилар, бунинг учун уларга аввал бажарилган машқлардан намуна сифатида фойдаланган ҳолда режа тузиш таклиф этилади.

4. Талабаларга мустақил ишнинг умумий режаси ва уни аниқлаштириш методи берилади. Улар аниқ бир мавзунини бажаришга киришиб, машғулот мавзусига биноан умумий режанинг дастлабки кўринишини тузадилар, кейин техник масалани ечиш ёки амалий машқ бажариш жараёнида уни мустақамлайдилар.

5. Талабаларга берилган мавзу, бўлим бўйича аниқ тарзда масалани ечишни ёки амалий машқ бажариш жараёнини қандай режалаштиришга оид тушунчалар берилади. Тузилган режалар кейинчалик талабалар томонидан мустақил иш бажариш жараёнида фойдаланилади.

II БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ, МЕТОДИ ВА ВОСИТАЛАРИ

2.1. Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш шакллари

Касб таълимида мустақил таълим олишнинг энг мақбул шаклларини танлаш, улардан фойдаланишнинг адекват усулларини қўллаш талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда, уларнинг амалий фаолият жараёнида мустақил, ижодий топшириқларни самарали бажаришларига олиб келади.

Мустақил таълимни ташкил этиш шакллари таълим жараёнининг ҳар бир босқичида намоён бўлса-да, биз асосан касб таълими йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг аудиториядаги ва аудиториядан ташқаридаги мустақил таълим олиш шаклларини илмий асослашга ҳаракат қилдик.

а) аудиторияда ташкил этиладиган мустақил таълим шакллари:

- 1а-шакл - маъруза тинглаш ва баён этилганларни дафтарга қайд этиш;
- 2а-шакл - амалий ва лаборатория ишларни бажариш;
- 3а-шакл - чизмалар ва схемаларни ўқиш, чизишни ўрганиш;
- 4а-шакл - техник моделлаштириш ва лойиҳалаш.

б) аудиториядан ташқарида ташкил этиладиган мустақил таълим шакллари:

- 1б-шакл - ўқув адабиётлари билан ишлаш;
- 2б-шакл - назорат ишларига тайёрланиш;
- 3б-шакл - маъруза тайёрлаш;
- 4б-шакл - масофавий таълим технологияси.

Қуйида *аудиторияда ташкил этиладиган мустақил таълим шаклларининг мазмуни* ҳақида қисқача тўхталиб ўтилади.

1а-шакл. Маъруза тинглаш ва баён этилганларни дафтарга қайд этиш. Касб таълими фанларидан маърузани тинглаш, уни дафтарда қайд этиш жараёнида маъруза манбалари варақнинг бир тарафига, иккинчи тарафига жой қолдирилган ҳолда ёзилади.

Иккинчи тарафига эса талаба томонидан чиқарилган хулосалар, техник ечимлар, мулоҳазалар, уларда пайдо бўлган саволлар, саволларга жавоб вариантлари, фактларни ёзиш ва ҳар хил белгиларни қўйиш тавсия этилади. Шунинг учун баъзан кенг ҳошиялар қолдирилади.

Талабалар маърузани тўлиқ ва батафсил ёзишлари шарт эмас. Ўз навбатида, кўпчилик ўқитувчилар ўқув адабиётларида берилгандан фарқ қилувчи асосий ҳолатлар, хулоса, меъёрлар ҳамда мезонлар, технологик жараёнлар, техник объектлар, амалий иш бажариш йўриқномалари, аксиома, коида, концепция, ҳолатларни ёздириб боришади.

Кириш маърузаларини тинглаш даврида дафтарда атайин бўш қолдирилган жой-ҳошияларда талабалар ўзларида қизиқиш уйғотган саволларни, технологик жараёнлар ва техник объектлар ҳақидаги маълумотларни, савол-жавоб вариантларини ёзиб олиши, фикр-мулоҳазаларни изоҳлаши, ўқитувчи-талабалар ўртасида суҳбат ҳамда диалоглар, мулоҳазаларни қайд этишлари керак.

Талабалар маъруза тинглашдан олдин унга тайёргарлик кўришлари лозим. Бунда умумий ўқув режа билан танишиб, олдинги дарслардаги маъруза қайдларини кўздан кечириш, манбаларни фикран такрорлаш учун ўзларини психологик тайёрлашлари керак бўлади.

Маъруза тинглаш – интеллектуал фаолиятнинг мураккаб туридир. Унинг муваффақияти, биринчидан, умумий «тинглай олиш» билан, иккинчидан, дафтарга ёзиб бориш ва айна вақтда ўқув материал мазмунини ўзлаштириб бориш билан боғлиқ. Маърузани ёзиб олиш ундаги асосий жиҳатларга эътибор қаратишга, маъруза жараёнида эшитилган маълумотларни ўйлаб кўришга, ўқитувчи томонидан изоҳланаётган материал кетма-кетлигини мантикий нуқтаи назардан тушунишга ёрдам беради.

Бундай усул, айниқса, ўқув йили бошларида талабаларга бир оз қийинлик қилиши ва шу сабабли улар баъзи хатоларга йўл қўйишлари мумкин: баъзи талабалар маърузани сўзма-сўз ёзиб олишга ҳаракат қилади, баъзилари дуч келган жойдан ёзиб кетаверади ва ҳоказо. Бундай хатоларга йўл қўймасликлари учун бир неча қоидаларга амал қилишлари мақсадга мувофиқ:

1) мавзу, мақсад, маъруза режаси, фойдаланилган адабиётлар берилгандан кейин уларнинг қандай изоҳ этилиши, кетма-кетлиги, қандай ифода этилиши, мулоҳазаларнинг мазмун-моҳиятини назардан қочирмаслик;

2) асосий маълумотларни мустақил кўриб чиқиш учун ўқитувчи берган саволларни ёзиб олиш;

3) ёзувларнинг аниқ бўлишига уларнинг кетма-кетлигига, мавзу, параграф саволларини ажратиб ёзиш, унда тагига чизиш усули ва белгилашдан, ҳарфлар ва рақамлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мустақил ўрганишда маърузани умумлаштирувчи турли хилдаги вазифаларни бажариш асосий ўринни эгаллайди. Масалан, мавзуга доир режа ёки тезис тузиш, технологик жараёнларни лойиҳалаш, техник объектларни танлаш, саволларга жавоб бериш, тестлар ишлаб чиқиш, реферат ёзиш мумкин.

2а – шакл. Амалий ва лаборатория ишларини бажариш. Амалий машғулотлар талабада техник билимни мустаҳкамлашга, уларни янги вазиятга кўчириб, амалий масала ҳамда вазиятларни ҳал қилиш учун умум-педагогик тушунчалар ва асосий педагогик малакаларни ривожлантиришга қаратилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- технологик топшириқларни бажариш;
- педагогик-технологик вазиятлар ишлаб чиқиш;
- умумлаштирувчи техник-схемаларни моделлаштириш;
- керакли маълумотларни топиш;
- мустақил (қўшимча) билим олиш.

Лаборатория машғулотларининг асосий моҳияти шундаки, унда талабалар мустақил равишда мавзуга оид турли топшириқларни бажарадилар ёки тажриба ўтказадилар.

Амалий машғулот ўтказиш шакллари: турли хил педагогик-технологик вазиятларни лойиҳалаш, педагогик-техник масалаларни ҳал этиш, топшириқлар бажариш, техник-схемалар билан ишлаш, ўқитувчилар билан баҳс-мунозараларда иштирок этиш.

Амалий ва лаборатория ишларида талабаларнинг асосий иш фаолияти технологик машқлар ҳисобланади.

Технологик машқлар амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида муайян хатти-ҳаракатларни кўп марта такрорлашдан иборат. Ишлаб чиқариш таълимида машқларни бажаришда асосан қуйидаги талаблар қўйилади: технологик машқларни талабалар онгли ва мақсадга мувофиқ йўсинда бажаришлари; машқда ишлаб чиқариш методикасига асосланиши, машқлар тизимли, изчил, узлуксиз бўлиши ҳамда такрорланиши; талабалар мустақил ишлаши ва малакаси мунтазам ривожланиб бориши керак.

Технологик машқларга таълим методи сифатида қатор дидактик талаблар қўйилади:

- технологик машқлар талабаларнинг онгли фаолиятига асосланади. Амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда онг муҳим ўрин тутати;

- технологик машқлар ва уларнинг элементлари осондан мураккабга борадиган тартибда жойлаштирилади. Турли меҳнат жараёнларида бир хил элемент усуллари, айнан ўхшаш ҳаракатлар кўп учрайди, аммо жараёнларнинг ўзи бир оз қийинлиги бўйича фарқ қилади;

- технологик машқларни бажариш вақтида ўқувчилар ўз меҳнат ҳаракатларини назорат қилишлари керак. Бунда дастлабки тайёргарликнинг тўғрилигига катта аҳамият берилади [9].

Технологик машқлар бажариш ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлайдиган ўқув жараёни ҳисобланади. Бу машқлар ҳар бир умумкасбий ва ихтисослик фанларида ўзига хос мазмунга эга бўлади. Технологик машқлар бажариш жараёнида талаба фаол иш-ҳаракатини бажаради ва бунда унинг барча сезги аъзолари иштирок этади. Унинг эслаб қолиш даражаси ортиши учун педагогик имкониятлар янада кенгаяди. Технологик машқлар бажариш жараёнида ўқитувчи ва талаба фаолияти ҳамда зарур воситалар 2.1- жадвалда келтирилган.

Технологик машқлар турлари: ўқиш, ёзиш, сўзлаш, фикрлаш, ҳисоблаш, амалий ҳаракатлар бажариш, қуриш–ясаш, бўйаш, мусиқа чалиш, мисол-

масала ва тестлар ечиш, компьютерда ишлаш, асбоблар, станоклар, бошқа техника воситалари билан далада, фермада, қурилишда ишлаш, уй-рўзғор ишларини бажариш ва спорт машқлари, ишбилармонлик ўйинлари, мусобақа, кўрик танловларда иштирок этиш.

2.1-жадвал

Технологик машқлар бажариш жараёнида ўқитувчи ва талаба фаолияти ҳамда зарур воситалар

Ўқитувчи фаолияти	Воситалар	Талаба фаолияти	Воситалар
Технологик машқ бажариш тартибини кўрсатиб бериш, тушунтириш, савол-жавоб, раҳбарлик, назорат	– масалалар; – технологик топшириқлар; – тестлар; – асбоблар; – станоклар; – жиҳозлар; – материаллар; – компьютер; – уйга вазифа.	Кузатиш, тушуниш, технологик машқ бажариш, такрорлаш, ўзлаштириш, сўзлаш, савол-жавоб, ёзиш, чизиш, ҳисоблаш, ҳаракатларни бажариш, уй вазифасини бажариш, фикрлаш ва бошқалар.	– диққат – тафаккур – хотира – асбоблар – материаллар – машқ дафтари ва бошқалар.

За – шакл. Чизмалар, схемаларни ўқиш ва чизиш. Касб таълими йўналишида умумкасбий ва ихтисослик фанлари техникавий асосларга эга бўлганлиги сабабли чизмаларни ўқиш, схемалар чизиш муҳим аҳамият касб этади. Талабаларга чизмаларни ўқиш ва чизишни ўргатиш учун дастлаб уларни график элементлари билан таништириш, уларда чизмаларни ўқиш кўникмаларини шакллантириш лозим. Машғулотларда техник ҳужжатлар сифатида техник расмлар, эскизлар ва иш чизмаларидан фойдаланилади.

Чизмаларни ўқишга ўргатишнинг икки усули маълум. Биринчи усулда чизмага талабалар жавоб қайтариши лозим бўлган саволлар рўйхати илова этилади. Саволлар талаба жавоб топиши учун чизмани ўрганишга, уни таҳлил қилишга мажбур бўладиган йўсинда тузилади. Иккинчи усул эса муайян тартиб ва режа асосида чизмани ўрганишлари ҳамда унинг мазмунини таҳлил қилишларига асосланган бўлиб, бу иш қуйидаги босқичлардан иборат:

- чизма билан умумий танишиш;
- деталнинг асосий ёзуви ва габарит ўлчамларини; деталнинг номи, материали, тасвир масштаби, габарит ўлчамларини ўқиш;
- тасвирларни; тасвир таснифини, деталнинг умумий шакли, деталь элементларининг шакллари ўқиш;
- ўлчамлар, шартли белгилар ва ёзувларни; ўлчамлар ва уларнинг ўзгариши чегараларини, юзаларнинг ғадир-будурлигини, техник талаблар ҳамда кўрсатмаларни ўқиш;

- компьютерда берилган мураккаб чизмаларнинг керакли қисмини яққол тасвирда кўра билиш, ҳаракат ва анимацияларни қўллаган ҳолда деталнинг тузилишини ўрганиш.

Чизмада тасвирларни ўқиш ишнинг энг мураккаб қисмидир. Тадқиқотлар кўрсатишича, талабалар учун деталь элементлари шакллари тушуниш деталь шаклини тушунишга нисбатан анча мураккабдир. Талабалар деталь элементларининг шаклини тўлиқ ва тўғри тасаввур этишлари учун уларга чизмани муайян тизимда тайёрлашни ўргатиш зарур.

Талабалар чизмани ўқиш малакаларини ўзлаштиришда чизмачиликда қабул қилинган шартли белгилар билан ҳам танишишлари керак. Бу чизмалар тузишни ўрганишда жуда зарур.

Устахоналардаги машғулотларда чизмаларни чизиш одатда эскиз чизишдан иборат бўлади. Чизмаларни чизишни ўрганиш содда топшириқларни бажаришдан, чунончи, деталларни ўлчаш ва бу ўлчамларни тайёр чизмага қўйиб чиқишдан бошланади. Чизмалар чизишни ўргатишнинг бу усули самарали бўлиши учун ишлов бериш натижасида деталнинг шакли ўзгариши сабабли чизмага қўшимчалар киритиш, масалан, унда пармаланган ўйиқ ва бошқа ўзгаришларни акс эттиришни тавсия қилиш лозим. Кейинги топшириқларда талабалар олдида содда деталь ва унинг чизмаси билан танишиш, сўнг мустақил ҳолда шундай типдаги деталнинг чизмасини чизиш вазифаси қўйилади.

Бундай топшириқлар таълимий характерга эга бўлгани сабабли уларни бажаришга кўп тўхталмаслик керак. Талабалар амалий ишда фойдаланиладиган чизмаларни тузишлари натижасида, уларнинг фаоллиги ва меҳнат топшириқларига қизиқишлари ортади.

Бу чизмалар, айниқса, моделлаштириш жараёнида зарурдир, бироқ бунда талабалар графика ҳамда лойиҳалаш бўйича етарлича билим ва малакаларга эга эмасликлари сабабли муайян қийинчиликларга дуч келадилар.

Касб таълими факультети талабалари кўпроқ машина, машина деталлари ва механизмаларини, уларнинг кинематик схемаларини ўрганишларига тўғри келади. Талабаларни машиналарнинг кинематик схемалари билан таништиришга катта аҳамият берилади, чунки тузилиши ва вазифаси бўйича бир-биридан фарқ қилувчи машиналарни умумий жиҳатларини ана шу схемалар орқали кўрсатиб бериш осон бўлади.


4а – шакл. Техник моделлаштириш ва лойиҳалаш. Касб таълими факультетларида техник моделлаш ва лойиҳалаш усулларида кўпинча ўқув устахоналаридан фойдаланилади. Ўқув устахоналарида касб таълими бўйича машғулотларнинг турли ташкилий шакл ва методларидан фойдаланиш; техник маълумотлар бериш; тадқиқотчилик ва амалий фаолият бўйича малака ва кўникмаларни шакллантириш ишларини амалга ошириш; техник билимларни, меҳнат усуллари, бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш; эстетик дид ва меҳнат маданияти кўникмаларини, мустақил ишлаш

қобилиятини шакллантириш; конструкторлик-технологик таснифдаги ижодий масалаларни ҳал қилиш, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш учун маълум шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим.

Техник моделлаштиришда бирор ноёб, қимматбаҳо, умуман, кўп маблағ сарфланадиган иншоотлар, агрегатлар, машиналарнинг модели яратилади. Одатда, моделнинг ўлчамлари асл нусхага нисбатан анча кичик бўлади ва шунга кўра ундан арзонга тушади. Модель тузилиши жиҳатидан аслидан фарқланиши мумкин, лекин унинг ишлаш жараёнида аслида содир бўладиган физик ҳодисалар кузатилиши керак.

Техник моделлаштириш жараёни учта асосий босқич: модель ясаш учун техник ҳужжатлар (техник шартлар, чизмалар, технологияни) тайёрлаш, модель ясаш ва уни синаб кўришдан иборат.

Техникада ишлатиладиган моделлар уч турга бўлинади (2.1-расм). Бўлажак касб таълими ўқитувчилари мустақил фаолият юритишларида ушбу модел турларини билишлари талаб этилади.



2.1 – расм. Техник моделлар таснифи

Геометрик ўлчамлари ўхшаш моделлар кўргазмали курол мақсадида ишлатиладиган объектнинг ташқи кўринишини англатади. Бундай моделлар орқали талабалар замонавий машина, механизмларнинг тузилиши, ишлаш тартиби билан таништирилади.

Физик жиҳатдан ўхшаш моделлар ўрганилаётган объектнинг ҳаракат динамикаси, ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари, хусусиятлари ва ўхшашликларини билдирилади.

Ҳаракатланиши жиҳатидан ўхшаш моделлар тирик мавжудотлар ҳаракатлари моделлаштирилади. Бу турдаги моделларнинг ташқи кўриниши аслига яқин бўлишини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда улар тирик мавжудотлар ёки инсонларга ўхшаш қилиб яратилади.

Талабаларнинг техник моделлаштириш жараёнидаги фаолияти асосан техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва модель ясашдан иборат бўлади. Шунинг учун, энг аввало талабаларни чизмаларни чизишга, технологик

жараёни тузишга, модель деталларини тайёрлаш ва уларни йиғишга жалб этиш учун қулай моделлар ясашни назарда тутиш лозим.

Талабаларга моделлаштиришни ўргатиш жараёнида объектларни тайёрлаш уч босқичда амалга оширилади:

- мукамал техник ҳужжатлар бўйича;
- қисқартирилган техник ҳужжатлар бўйича;
- техник шартлар ёки ўз шартлари бўйича.

Лойиҳалаш билан шуғулланиш учун аввало график ҳамда технологик билим ва малакага эга бўлиш керак. Шунингдек, буюмларнинг мустаҳкамлиги, ўлчамининг аниқлигига оид мураккаб ҳисобларни бажариш малакасини эгаллаш зарур.

Талабалар техник моделлаштириш билан шуғулланишда буюмларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва пардозлаш бўйича қуйидаги ишларни бажарадилар:

- лойиҳаланадиган буюмнинг вазифаси ва қўлланиш усули билан танишиш;
- буюмдан фойдаланиш ҳамда уни тайёрлаш жараёнига асос бўладиган физик, кимёвий ва бошқа жараёнларни аниқлаштириш;
- умумтехник ва қўшимча адабиётларни ўрганиш, қўйилган вазифани ҳал қилинишининг энг яхши вариантини танлашда улардан фойдаланиш;
- буюмнинг бир нечта эскиз вариантларини тайёрлаш ва улардан энг яхшисини танлаш;
- буюмнинг техник лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- буюмга ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш.
- айрим деталларни, узеллар ва умуман буюмни тайёрлаш ҳамда ростлаш;
- буюмнинг камчиликларини аниқлаш ва бартараф этиш;
- буюмни пардозлаш;
- буюмни тайёрлашга доир ўқув-техник ҳужжатларга тузатишлар киритиш.

Аудиториядан ташқарида ташкил этиладиган мустақил таълим шакллари мазмуни.

16 – шакл. Ўқув адабиётлари билан ишлаш. Аудиториядан ташқарида ўқув адабиёти билан ишлаш мустақил таълим олишнинг энг асосий шакллари билан бири ҳисобланади. Ўқув адабиёти билан ишлаш жуда осон ва қулай усул ҳисобланади. Ўқув адабиётлари билан ишлашни барча таълим олувчилар яхши ўзлаштирган бўлишлари лозим. Ўқув адабиётлари деганда, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, техник адабиётлар, маълумотлар йўриқномалар ва ҳоказоларни тушуниш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам дарс жараёнида дарслик, ўқув қўлланмалар, техник адабиётлар бўйича материални мустақил равишда ўрганиш бўйича вақти-вақти билан топшириқлар бериб турилса, бу албатта талабаларда ўқув адабиёти билан ишлаш малакаси ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Талабаларга дарслик билан мустақил ишлаш бўйича ҳаддан

ташқари кўп уйга вазифа юклатилса, бу уларни зўриқишга олиб келади ва натижада уларда фанга бўлган қизиқиш камаяди. Шунинг учун ўқитувчи дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари билан ишлаш ҳамда таништириш, мустақил ишлаш малакасини ва кўникмаларини шакллантириш ишларини ҳамма босқичларида, яъни янги мавзуни тушунтиришда, билимларни оширишда, уй топшириқларининг бажарилишини текшириш жараёнида олиб бориш керак. Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар қуйидаги мустақил ишлаш кўникмаларини эгаллашлари лозим: матнлардан, расм ва кўрғазмали қуроллардан, жадвал ҳамда хариталардан асосийсини ажратиб олиш; маълумотларни ўзлаштиришда мантикий алоқадорлик ва боғлиқликларни аниқлаш; ўрганилаётган ҳодисаларни таққослаш, дарсликларнинг бир ёки бир неча қисмлари бўйича умумлаштириш ва хулоса чиқариш, мавзу бўйича янги сўзлар ва терминларни изоҳлаш дарслик бўйича алоҳида мавзуни ўрганиш, дарслик матни бўйича режа, тезислар тузиш, дарслик матнидан фойдаланиб, техник масалалар тузишни, дарсликда кўрсатиб ўтилган тажрибаларни бажариш.

Эгалланган малака ва кўникмаларни дарсликлар ва бошқа турдаги ўқув адабиётлари ёрдамида дарс мобайнида, дарсдан ташқари машғулотларда ўқув фаолиятларини ташкил этиш усуллари орқали такомиллаштириш мумкин.

Талабалар ўқув адабиёти билан мустақил ишлаш малакасини янги билимларни эгаллаш ёки илгари олган билимларини мустаҳкамлашда қўллаши мумкин. Бу методдан фойдаланишда талабаларнинг матндан асосий билимларни ажратиш, матн қисмларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, жадваллар ва расмлар мазмунини таҳлил қилиш кўникмаларини такомиллаштиришга, ўқув қўлланмаларининг айрим мавзуларини мустақил ўрганишга алоҳида эътибор бериш керак.

Талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришда ўқув адабиётлари билан мустақил ишлашни ташкил этиш муҳим омил ҳисобланади. Ўқув адабиётлари билан мустақил ишлаш жараёнида қуйидаги тавсияларни тақлиф этамиз:

- аввал адабиётлар мундарижаси билан танишиб чиқиб, қайси масалалар муҳимлигини белгилаб чиқинг;

- ҳар бир масалага ижодий ёндошиш;

- адабиётларни ўқишда қуйидаги ишларни амалга оширинг:

а) асосий ғояларни хотирада ёки қалам билан белгилаб чиқинг;

б) фикрлар ривожланиши исботланиши ёки ўз тасдиғини топиши баён этилган масалаларни алоҳида белгиланг, аксинча, агар уларга қарама-қарши маълумотларга эга бўлсангиз, бу икки материални қиёсий ўрганинг;

в) сизни қизиқтирган атама, муҳим фикрлар бўйича кичик изоҳли луғатча тузиб, бу атамаларни тартиб билан ёзиб боринг;

г) юқорида айтилганлар бўйича ҳисобот тайёрланг;

- жуда мураккаб манбалар устида қайта-қайта ишланг. Асосий тушунчаларни ёзиб олинг;

- тўғри тушунганлигингиз ва ўзлаштирганлигингизни назорат қилиш учун турли машқ ҳамда вазифаларни бажариб кўринг.

- асосий тушунчалар ва ғоялар бўйича кичик ён дафтарчангизга чизгилар қилиб боринг.

Талабаларга ўқув адабиётларидан конспект ёзиб бориш мураккаб усуллардан бири эканлигини ва буни бажариш учун аввало режа, тезисларни тузиш кўникмаларини яхши ўзлаштирган бўлишлари лозимлигини тушунтириш лозим. Бунинг учун аввал бутун матнни ўқиб бериш, шундан кейин, уни мантиқий яқунланган қисмларга ажратиш ва ҳар бирини алоҳида сарлавҳа билан номлаш керак. Режанинг ҳар бир саволини ўрганилаётган материалнинг асосий қоидалари билан қисқача асослаб бериш керак.

Ўқув адабиётларини ўқишга қўйиладиган талаблар

Ўқув адабиётларни ўқишга бир қатор талаблар қўйилади. Бу энг аввало материални режали ўқишдир. Мустақил ўқишда кетма–кетликка, бир китобни ўқишдан иккинчи китобни ўқишга ўтишда ўзаро боғлиқлик, қизиқтирадиган мавзулар бўйича билимлар тизими асосида режага эга бўлиши керак. Бир мавзудан бошқасига ўтиб керакли мақсадга эришиш учун, талаба томонидан маълум кетма–кетликда ўқишга қарор қилинган китоблар ва мақолалар рўйхатига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кутубхоналарда маълум соҳаларга оид адабиётлар рўйхати мавжуд бўлади. Китобхон кутубхона катологлари ва китобдан фойдаланиш ҳақидаги қўлланмалар асосида ўзининг шахсий режасини тузиб олиши лозим. Бундай режани тузишга махсус фан ўқитувчилари, кутубхоначилар ёрдам беришлари мумкин.

Техник адабиётни ўрганишнинг муҳим талаби материални ўрганиш кетма–кетлигига эътибор бериш ҳисобланади. Айрим талабалар диққатларини бир мавзу устига жамлаб олмайдилар. Улар китоб ўқиб турган бўлсалар-да, хаёллари бошқа нарсаларда бўлиши мумкин. Бу ҳолат китоб мазмунини тушунишда қийинчиликлар туғдиради. Айрим талабалар вақтдан ютиш мақсадида матнни ўқиб туриб, баъзи сўзларни, ибораларни ўқимай ташлаб кетишади. Бу сабаблар ҳам материални тўлиқ ўзлаштиришга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун матнни ўқиш жараёнида мавзунинг маълум қисмида тўхталиб, юқорида ўқилган материал юзасидан хулосалар чиқариш, саволлар қўйиш ёки оғзаки тушунганларини такрорлаш самарали натижа беради. Ўқиш даврида тушунилиши қийин бўлган сўзлар ва саволлар дафтарда қайд этилиши ва луғатлар, қўлланмалар ҳамда мутахассислар ёрдамида аниқлаб олиниши талаб этилади.

Ўқув адабиётларини ўқишда такрорий ўқиш мажбурий шарт ҳисобланади. Китоб биринчи маротаба тўлиқ ўқиб чиқилиб, такрорий ўқишда яхши тушунмаган саволларга эътибор қаратилади. Китоб қанчалик диққат билан ўқилган бўлмасин, барибир, баъзан жуда муҳим фикрлар, мисолларга етарли эътибор берилмай қолиши мумкин. Китобни такрорий

ўқиб чиқиш мавзудаги асосий фикрларни муҳим далиллар асосида тушуниб олишга ёрдам беради.

Мустақил ўқиш жараёнида ўқилган материалларга ижодий, танқидий муносабатда бўлишга ўрганиш, олган билимларини ўзининг амалий фаолиятида қўллашга ҳаракат қилишда жуда муҳимдир. Бўлажак касб таълими бакалавр-ўқитувчиларини касбий фанлар бўйича ўқитиш жараёнида ўқув қўланмалари билан ишлаш малакаларини такомиллаштириш керак. Бунда талабаларни янги ўқув материални идрок қилишга яхши тайёрлаш учун уларга қўлланманинг маълум бўлимини ўқиш вазифа қилиб берилади. Шунингдек, талабаларга қўлланма бўйича меҳнат объектлари билан танишиш ва уларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган технологик жараёнлар тартиби тўғрисида ўйлаб кўриш топшириғини бериш мумкин.

26 – шакл. Назорат ишларига тайёрланиш. Имтиҳонларга ва назорат ишларига тайёрланиш жараёни ҳам мустақил таълимнинг асосий шакллари билан бири ҳисобланади.

Таълим жараёнида имтиҳонлар ва назорат ишлари топширишда талабалардан катта маъсулият талаб этилади. Имтиҳонларда ва назорат ишларида талабалар ўқув режасини қандай даражада ўзлаштирганликлари ҳақида ҳисобот берадилар. Талабалар ижобий баҳоланишлари учун назорат ишларига ўз хоҳишлари асосида мукаммал тайёрланишлари шарт. Талаба ҳар бир дарсга ўз вақтида пухта тайёрланса ҳам назорат ишларидан олдин, барибир, қайта ўқиши, ўқиганларини умумлаштириши ва тизимлаштириши лозим.

Имтиҳонлардан бир-икки ой аввал тайёргарликни бошлашлари керак. Аввало талаба назорат ишлари жадвалини аниқлаб олиши лозим. Имтиҳонга тайёрланиш билетлар ва назорат иши мавзулари асосида олиб борилса, кўпгина камчиликлар вужудга келиши мумкин. Билетлар асосида тайёрланиш жараёнида механик ёдлаш вужудга келади ва фан асосларини ўрганиш тизими бузилади. Турли назорат ишлари мавзулари асосида тайёрланиш жараёнида эса кўпинча бўшлиқлар пайдо бўлади. Бунда баъзан энг муҳим муаммолар четда қолиб кетади.

Шунинг учун имтиҳон ва назорат ишларига тайёргарлик кўриш жараёнида барча ўтилган мавзуларни атрофлича ўрганиш ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, бир қанча тайёргарлик машқларини бажарган ҳолда тайёрланиш мақсадга мувофиқдир.

Такрорлаш – бу индивидуал жараёндир. Бу жараён ҳар бир талабанинг ўзи учун мураккаб бўлган, ноаниқ, унутилган мавзуларни яна бир қарра кўздан кечириши, асосий ғоя ва фикрларни қайта ўрганиши, бир қанча қийин машқларни бажариш йўлларини синаб кўриши асосида ташкил топади.

Такрорлашга киришишдан олдин энг қийин ва камроқ ўзлаштирилган мавзу ёки бўлимларни аниқлаб, уларни алоҳида бир варақча ёзиб олиш тавсия этилади. Такрорлаш жараёнида ўқув режасида кўрсатилган материалларнинг барчасини (маъруза қайдлари, ўқув адабиётдаги

маълумотлар, кўшимча ўқилган китобдан қилинган материаллар, маслаҳатлар, семинар ва амалий машғулот давомида ёзиб олинган маълумотлар) ёзиб олиб, уларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш керак.

Агар талабалар материални ўзлари мустақил ўрганиб чиқмасалар, назоратчи билан бўладиган суҳбат «умумий» ёки юзаки бўлиб, қутилган натижани бермаслиги мумкин.

Имтиҳонларга ва назорат ишларига тайёрланиш методикасига асосан куйидагиларни таклиф этамиз:

- ўзингизга қулай, тинч иш жойини танланг;

- қулайроқ ўтириб олиб, олдингизда тоза варақлар, ўнг томонга эса дафтар ва китобларни қўйинг. Мазкур мавзуга тегишли бўлган ҳамма масалани эслаб олинг, тезис ва режа кўринишида уларни тоза варақнинг чап томонига ёзинг. Сўнгра буларни китоб ва маърузалар ёрдамида текшириб чиқинг ва эслаб олинмаган масалаларни варақнинг ўнг томонига ёзиб чиқинг. Шу ернинг ўзидаёқ ўқитувчига бериладиган саволларни ҳам ёзиб боринг. Ҳеч қандай ноаниқликлар бўлмаслиги керак;

- ўз режангиз асосида ишланг. Фақатгина ўз билимингизни текшириш ёки маслаҳатлашиш учунгина шерикликда ишлашингиз мумкин;

- мавзу бўйича жавоб тайёрлаётган вақтингизда асосий фикрни тезис кўринишида белгилаб, факт ва рақамларни уларнинг исботи сифатида ёзиб олинг. Сизнинг жавобингиз қисқа, мазмунли бўлиши керак;

- назорат тайёргарлиги билан биргаликда амалий кўникма ва малакаларни ҳам унутманг. Сиз матн, харита ва бошқалар билан ишлай олишингизни намоён этишингиз керак;

- кун тартибини ва ишлаш режасини белгилаб олинг;

- ўқитувчининг маслаҳатларида фақатгина бошқаларнинг саволларига жавоб эшитишни эмас, балки ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишга ҳаракат қилинг;

- ўз билимингизга ишониш руҳий дадиллик олиб келади. Баъзан биттагина саволга тайёргарлик кўрмасангиз, айнан ўша саволга жавоб беришингизга тўғри келиши мумкин;

- қандай фан бўлмасин, уни ҳозирги замон технологияси, ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлиқлигини унутманг;

- берилиши мумкин бўлган саволларга жавобларни компьютер дастурлари ва Интернет маълумотлари асосида бойитиб боринг;

- имтиҳонда саволни олгач, хотиржамлик билан саволлар устида ўйлаб кўринг, жавобларингиз режасини тузинг. Харита, иш ускуналари ёнига боринг, қандай қилиб бажарган амалий ишингизни назарий жиҳатдан тушунтириб беришни ўйлаб кўринг. Агар баъзи нарсаларни унутган бўлсангиз, ҳаяжонланманг.

36 – шакл. Маъруза тайёрлаш. Олий таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида таълим беришнинг турли шакл ва методларидан фойдаланилмоқда. Таълимнинг асосий шакли эса маъруза ҳисобланади.

Маъруза тайёрлаш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Бўлажак касб таълими бакалавр-ўқитувчилари «Касб таълими методикаси» фанида, педагогик амалиёт жараёнида маъруза тайёрлашларига тўғри келади.

Маъруза вақтида ҳам, ҳар турли амалий машғулотларда ҳам, асосий эътибор талабаларнинг мустақил фикр юритишларини ривожлантириш, билим ва малакаларини оширишга қаратилган бўлади.

Маъруза олий таълим муассасалари аудиторияларида энг кўп қўлланадиган дарс шакли ҳисобланади. Маъруза–дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа манбалардаги материалларни қайта баён қилиб беришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки ўқитувчининг аниқ бир соҳа бўйича шахсий, илмий – педагогик, ижодий изланишларини ҳам ўзида жамлаши лозим. Ҳар бир ўқитувчи маърузага тайёрланишда ушбу мавзуга тааллуқли бўлган кўпгина материалларни қамраб олишга ҳаракат қилиши керак. Сўнгра ҳар бир соҳанинг дарслик ва қўлланмалар, монография ва илмий мақолалар, журнал ва газета материаллари, тарихий ёзма ёдгорликлар ва бадиий асарлар, радио ва телевидение, Интернет каби аниқ материаллар манбаларидан фойдаланилади.

Маъруза аудиторияда алоҳида фанлар бўйича ўтказиладиган умумий машғулотларнинг камида 50 фоизини ташкил этади. Баъзи фанларда эса маъруза 60 – 65 фоизга бориб етади. Касб таълими факультетининг барча йўналишлари ишчи ўқув дастурларини кузатганимизда айрим фанлардан яъни ўзбек (рус) тили, чет тили, жисмоний тарбия ва спорт, касб таълими практикуми фанларидан маъруза соатлари берилмаганлигини, барча соатлар амалий машғулот тарзида олиб борилишини кўришимиз мумкин.

Маърузада баён этилган материаллар талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириши учун аввало у қизиқарли, ҳаётга боғлиқ, аниқ ва ишончли далиллар билан бойитиши ва замонавий маърузага қўйиладиган барча талабларга жавоб бериши лозим. Маъруза машғулотларида турли одатий кўргазмали қуроллар; назорат варақалари, схемалари, жадваллар, моделлар, материаллар, хариталар, замонавий кўргазмали қуроллар; ўқув телекўрсатувлар, ўқув кинофильмлар режалаштирилган дастурлар, мультимедиа воситалари, электрон дарсликлар, диопозитивлардан фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Бундай шакллар қўлланилганда, талабалар тез чарчамайдилар ва уларнинг фаоллиги сақланади.

Ўқитувчи маъруза ўқиш мобайнида талабаларга мавжуд материалларни етказиш билан бирга, уларга баъзи вазифаларни бериб, кутубхона, лаборатория ва архивларда ишлаш учун йўлланма бериши ҳам керак.

46 – шакл. Масофавий таълим технологияси. Масофавий таълим технологияси анъанавий таълим тизимини амалга оширишда дуч келинган муаммоларни ҳал этиш ёки шарт–шароит уни тақозо қилган ҳолда қўлланилади. У таълим самарадорлигини оширишга имкон беради.

«Масофавий таълим» тушунчаси фанга ўтган асрнинг 90 – йилларида кириб келган. Инглиз тилида «масофавий таълим» (distant education),

«Масофадан ўқитиш» (distant learning) каби вариантларда ҳам қўлланилади. Таълим жараёнларини телекоммуникациялардан фойдаланган ҳолда ташкил этишни эса (tele training) деб юритилади.

«Масофавий таълим» тушунчаси таълим олувчига ўқув ахборотларини масофадан туриб етказиб беришни таъминловчи (сунъий йўлдош, телевидение, компьютер тармоқлари ва бошқалар орқали) янги ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган махсус таълим хизматларини билдиради.

Масофавий таълим афзалликлари:

- тезкорлик – фазо ва вақт бўйича тўсиқларнинг йўқлиги, янги долзарб ахборотларни олиш, қайтар алоқа;

- ахборот таълимий мотивларининг ортиши (тармоқдаги ахборотлар);

- коммуникацион – таълимнинг потенциал иштирокчилари сонининг ортиши;

- педагогик – таълимнинг янада кўпроқ мотивлашиши, индивидуаллашиши, интерфаол (таълим иштирокчилари ўзаро таъсирининг фаолланиши, тескари боғланишнинг мавжудлиги) бўлиши;

- психологик - ўқувчи (талаба)ларнинг ўз - ўзини намоён этиши учун янада яхшироқ ҳиссий – психологик шароитлар яратилиши, тўсиқларнинг бартараф этилиши;

- иқтисодий – таълим учун сарф - ҳаражатларнинг камайиши;

- эргономик - машғулотлар вақтининг ўзлаштириш суръати ва мақбул график бўйича тақсимланиш»[10].

Масофавий таълим жараёнини ташкил этиш турли хусусиятларга асосланган ҳолда олиб борилади.

1. Таълим жараёнини бошқариш хусусияти асосида: бунда мустақил – индивидуал таълим олувчига ўқитувчи - раҳбар мунтазам маслаҳат бериб туради. Таълим олувчининг билими назорат қилиниб тестлар, сўровномалар асосида баҳолаб борилади.

2. Таълим жараёни мақсадга кўра: ушбу турда таълим самарадорлигига эришишга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнлари ташкил қилинади. Бунда керакли натижага эришишда лозим бўладиган барча жараёнлар мустақил таълим олишга қаратилади. Масофавий таълим жараёнида эгалланиши лозим бўлган барча маълумотлар аниқ ифодаланишига эришиш лозим.

3. Масофавий таълимнинг ўқитиш мазмуни асосида: масофавий таълимни ташкил этишда фойдаланиладиган таълим ресурсларини танлаш, уларни таҳлил этиш кабилар асосида тузилади. Мустақил таълим олишда масофавий ўқитишнинг турли хил даражалари аниқлаб чиқилади. Ҳар бир таълим олувчининг ички шарт – шароити ва имконияти даражасидан келиб чиққан ҳолда мос келувчи масофавий ўқитиш даражаси тавсия этилади.

4. Масофавий таълимни педагогик технология асосида: масофавий таълим олишда талабалар мустақил ижодий, онгли фаолият билан

шуғулланадилар. Улар мустақил билим олиш жараёнида лозим бўладиган педагогик технологиялар, усуллар, воситалардан фойдаланган ҳолда таълим самарадорлигига эришиш учун барча имкониятларни ишга солади. Керак бўлган ҳолларда қўшимча материаллар ҳам ёрдамчи восита сифатида татбиқ этилади.

5. Масофавий таълимнинг ташкил этишда таҳлилий ёндашув: талабаларга берилган материалларни улар қай даражада ўзлаштирганлигини аниқлаш, бу масалага оид барча кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида белгиланади. Талабаларнинг берилган материални ўзлаштиришга изчил, тизимли, аниқ кетма–кетлик асосида, етарли шарт–шароитларни ҳисобга олган ҳолда, ёндашувлари назарда тутилади. Бунда берилган маълумотлар элементар тарзда, бўлимларга бўлиб ўрганилади ва ҳар бир бўлим бўйича назорат–текширув ишларини олиб бориш йўлга қўйилади.

6. Масофавий таълимни ташкил қилишда тескари алоқа асосида: ушбу турда олинган маълумотлар қайта ишланган ҳолда таълим олувчи томонидан қабул қилинади ёки берилган манбага қайтарилади. Умумий таҳлиллар асосида маълум хулосалар, тушунилмаган маълумотлар қайта алоқа асосида жўнатилади. Бу босқични амалга ошириш учун компьютер технологияларидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

7. Масофавий таълимни ташкил этишда назорат қилиш асосида: бунда талабаларнинг эгаллаган билимларини масофадан туриб маълум назорат шакллари ва усуллари ёрдамида баҳолаш, олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида керакли хулосаларга келиш, ушбу натижалар асосида масофавий таълим дастурларига керакли ўзлаштиришлар, янгиликлар киритиш кўзда тутилади.

Масофавий таълим жараёнининг асосини мустақил таълим ташкил қилганлиги учун ҳам талабаларда ижодий тафаккур ривожланиб боради. Масофавий таълимда ўқув жараёнининг муддати қатъий белгиланмайди. Назорат ишларини бажариш ва жавоб йўллашни талаба мустақил, ўзига қулай вақтда бажаради. Ушбу ҳолат масофавий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Масофавий таълим воситалари:

1. Электрон дарсликлар.
2. Тармоқ ўқув – методик қўлланмалари.
3. Оддий ва мультимедиали компьютер таълими тизимлари.
4. Аудио ўқув – ахборот материаллари.
5. Видео ўқув – ахборот материаллари.
6. Лаборатория практикumlари.
7. Узоқ масофадан уланувчи тренажёрлар.
8. Узоқ масофадан уланувчи маълумотлар ва билимлар баъзаси.
9. Масофадан уланувчи электрон кутубхона.
10. Эксперт асосидаги таълим тизими [27].

Масофавий таълимни ташкил қилишда бир қанча воситалардан фойдаланиш мумкин. Ушбу воситалардан амалий жиҳатдан фойдаланиш масофавий таълим самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Бўлажак касб таълими бакалавр-ўқитувчиларини тайёрлашда масофавий таълим турларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда. Махсус сиртки бўлим талабаларига электрон дарсликларни ва ўқув манбаларни компьютер ва бошқа замонавий воситалар орқали етказиш, уларга мустақил ишлашлари учун топшириқларни бериш, топшириқлар бажарилганлигини масофадан туриб текшириш ишлари олиб борилмоқда.

2.2 Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни таёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш методи ва воситалари

Мустақил таълим фақат таълимни мазмунли ташкил этишдагина долзарб бўлмай, балки олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда ҳам муҳим ўрин тутди.

Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълим жараёнини ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратилиши керак:

- умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича билимларни ўзлаштириш, касб таълими ўқитувчисининг ижодий кўникма ва тажрибаларини шакллантириш, бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлик, технологик жараёнларни эгаллаш;

- умумий меҳнат маданиятига оид тарбия, шунингдек, ижтимоий фойдали касблар билан танишиш;

- ижодий тафаккурни, касбий иқтидорни, жисмоний ривожланиш ва вақтни қадрлаш хислатларини шакллантириш ва ҳоказо.

Мустақил таълим самарадорлигини ошириш кўпчилик ҳолларда талабанинг ўқитиш воситалари билан таъминланганлигига боғлиқ бўлади.

Педагог олим Ў.Қ. Толипов бу борада: “Ўқитувчи, уста ўқув фаолиятини уч асосий турга ажратиш мумкин: ахборотни узатиш, талабалар мустақил ишини ташкил қилиш ва назорат. Бундан келиб чиқиб, вазифа жиҳатдан фарқ қиладиган ўқув материалининг уч турини ажратиш мумкин. Бу таълим воситаларини амалда қўллаш имконини беради. Талаба адабиётлар билан танишиб, берилган мавзу бўйича ўз фикрига эга бўлгач, шу мавзуда суҳбат уюштирилади. Бу суҳбат қуйидаги икки мақсадни ўз ичига олади. Бунда ўқув материалининг мазмуни, таълим воситалари, имкониятлари талабалар ўқиш–билиш фаолияти ва ўқув дастурида берилган мавзуни ўрнатиш учун ажратилган вақтни ҳисобга олиш лозим”, - деб таъкидлайди [44].

Воситалар рўйхатини белгилашда ҳар бир мавзу мазмуни мақсадини батафсил ўрганиб, таҳлил қилиб, кейин белгилаш лозимлиги 2.2-расмда берилган. Ўқув режада берилган фанларни ўзлаштириш учун маълум шарт –

шароитлар, қўлланмалар, усуллар, воситалар тизимлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилмоқда.



2.2 - расм. Мустақил таълимни ташкил қилишда фойдаланиладиган воситалар

Мустақил ўқишда ва ўқувчиларнинг билимларни эгаллашдаги мустақиллигини ривожлантиришда ўқув адабиётлар муҳим аҳамият касб этади. Билимларни бевосита ўқув адабиётидан ўзлаштириш бўйича талабаларнинг мустақил ишлаши дарсда ҳам, уй вазифасини бажариш жараёнида ҳам амалга оширилади. Бунинг учун талабалар ўқув адабиёти билан ишлаш кўникмаларига эга бўлишлари керак.

Мустақил ўрганиладиган манбалар нисбатан содда, ўқитувчи изоҳларини талаб қилмайдиган даражада бўлиши зарур. Кейинчалик эса талабада тажриба ортиб борган сари мураккаброқ даражадаги материалларни аста–секин тушуниб бориши, эслаб қолиш нуқтаи назаридан эмас, балки маълум бир ўқув масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган материални

топишга қўйилган саволларга жавоб бериш нуқтаи назаридан ёндошиш лозим. Мазкур ҳолатда талабалар ўқув адабиёти билан ишлаш жараёнининг самарасини яққол кўрадилар. Бу эса ўз навбатида, маъносига тушунмай, ёдлаб олишга интилишни бартараф қилади.

Таълимий учлик – «мақсад – жараён - натижа» нинг ўрта бўғинига ҳозирда эътибор кучайган бўлса-да, бир қатор педагог олимлар ушбу занжирнинг бошидаги ва охиридаги ҳалқаларини чуқур ўрганмоқдалар. Масалан, бу соҳада Чикаго университети профессори Бенжамин Блум томонидан билим олиш соҳасидаги ўқув мақсадлари таксономиясининг яратилиши диққатга сазовордир.

«Таксономия» атамаси юнонча *taxis* (тартиб бўйича жойлашуви) ва *nomos* (қонун) сўзларидан иборат бўлиб, объектларни ўзаро алоқадорлик асосида таснифлаш ва тизимлаштириш маъносини англатади [13].

Блум таксономияси ўқув фаолиятининг турли соҳаларини қамраб олади: когнитив (билиш), аффектив (ҳиссий - қадриятли), психомотор (ҳаракат). Касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда ҳар бир соҳа бўйича мустақил таълим жараёнидаги ҳолати ҳақида тўхталиб ўтамиз.

1. Когнитив соҳа. Бу соҳада олинган техник билимларни мустақил равишда технологик жиҳатдан қайта такрорлаш, уларни эгалланган кўникма ва малакалар билан уйғунлаштириш натижасида янги мустақил фаолият юритиш ва техник-технологик машқ бажариш қонун - қоидаларини ўрганиш заруратига тегишли ўқув мақсадлари киритилади.

2. Аффектив соҳа. Мустақил иш бажариш жараёнида касбий қизиқиш ва мойилликларни шакллантириш, ички ҳамда ташқи психологик таъсирлар натижасида технологик муносабатни шакллантириш, уни мустақил фаолият давомида тушуниб етиш орқали касбий фаолият амалиётига татбиқ қилиш мақсадлари киритилади.

3. Психомоторли соҳа. Бунга мустақил иш бажариш жараёнидаги психологик фаолият, техник ва технологик жараёнларда жисмоний фаолият натижасида, асаб мускулларини марказлаштириш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ мақсадлар киритилади.

Юқоридаги қоидалар ва Блум таксономияси асосида мустақил таълим мақсади, мазмуни, шакллари асосланди. Мустақил таълимнинг икки асосий шакли, яъни аудиторияда ва аудиториядан ташқаридаги мустақил таълимни ташкил этувчилари аниқланди(2.3-расм).

а) Аудиторияда мустақил таълим ташкил этувчилари:

- *ҳамкорликдаги мустақил таълим:* мустақил таълимнинг бу тури бевосита ўқитувчи ва талабанинг ўзаро ҳамкорлигида ташкил этилади, ўқитувчи талабаларга мустақил ишларни бажаришлари учун амалий ёрдам беради, маълум йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, маслаҳатлар бериб боради, талабалар улар асосида мустақил таълим оладилар;

- *ўқитувчи*: ўз педагогик фаолияти давомида талабаларни мустақил ўзлаштиришлари учун кўшимча ўқув материаллари ва улар мазмунига доир мустақил иш ва топшириқлар тайёрлайди ҳамда талабаларга уларни бажаришлари учун тегишли кўрсатмалар беради;

- *талаба*: ўқитувчининг кўрсатмалари асосида мустақил ижодий иш билан шуғулланади. Ўқитувчидан маслаҳат олган ҳолда амалий ишларни бажариш методлари, воситалари ва шакллари танлайди, амалий ишлар ҳамда ижодий топшириқларни бажаради;

- *методлар, шакллар, воситалар*: ўқитувчи тамонидан тавсия қилинган мустақил ишлаш методлари, воситалари ва шакллари қўллаш асосида талабалар технологик жараёнлар ва техник объектларга оид топшириқларни мустақил танлайдилар ҳамда ижодий бажарадилар;

- *ўқитувчи назорати*: ўқитувчи талаба бажарган технологик амалларни таҳлил қилади. Талаба мустақил ишларни бажариш жараёнида йўл қўйилган хатоларни аниқлайди, амалий фаолият усуллари кўрсатиб беради.

- *тузатиш киритиш*: ўқитувчи аниқлаган хатоликлар бартараф этилади ҳамда амалий ишларни бажаришнинг энг мақбул усуллари кўрсатилади;

- *натижа*: битирувчилар йўриқномалар асосида мустақил иш бажара оладиган, ижодий тафаккурга эга, технологик жараён ва техник объектларни танлаб, самарали фаолият олиб борадиган мутахассис бўлади.

б) Аудиториядан ташқарида мустақил таълим ташкил этувчилари:

- *индивидуал мустақил таълим*: талаба эгаллаган билими, кўникма ва малакаларидан амалий фаолиятида фойдаланиб, индивидуал мустақил таълим олади;


- *талаба*: эгаллаган билими, кўникма ва малакалари асосида мустақил ижодий шуғулланади. Ўз амалий фаолиятига мос ҳолда мустақил таълим олиш шакл, метод, воситаларини ўзи танлайди;

- *психологик мотивлар*: талаба ўз хоҳиш-истаги, маънавий эҳтиёжи ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда мустақил ишлайди. Технологик жараён ва техник объектларни ўз қобилиятига таянган ҳолда танлайди ва улар билан боғлиқ масалаларга ечим топади;

- *ўз-ўзини назорат қилиш*: талаба технологик жараёнга оид ўзи бажарган мустақил ишга танқидий қарайди ва хатолардан хулосалар чиқаради. Мустақил фаолият самарадорлигини ошириш учун мақбул усуллар қўллайди;


- *янгилик яратиш*: талаба ўз хулосалари асосида мустақил ишлаш усулига муҳим ўзгартиришлар киритади;

- *натижа*: талаба ўзининг интеллектуал қобилиятига мос ҳолда мустақил иш бажара оладиган, ижодий тафаккурга эга, технологик жараён ва техник объектларни мустақил танлай оладиган ва мустақил ижодий фаолият олиб борадиган етук мутахассис сифатида намоён бўлади.




2.3 – расм. Мустақил таълим олишнинг умумий тузилмаси

Мустақил таълимни ташкил этиш методикаси бевосита Б. Блумнинг билим олиш соҳасидаги ўқув мақсадлари таксономияси асосида қуйидаги олти тоифадаги асосий ўқув мақсадларидан иборат ҳолда қараб чиқилди:




Ўқув мақсадларнинг ушбу олти асосий категорияларини технологик жараёнларда ва техник объектларни қўллашда, мустақил таълим жараёнидаги кўринишларини очиб беришга ҳаракат қилинди.

1. Технологик жараён ва техник объектлар ҳақидаги билимларни мустақил билиш - ушбу категория касб таълими йўналиши талабаларининг мустақил таълим олиш жараёнида эгалланган техник ҳамда технологик маълумотларни хотирада сақлаб қолиш, мустақил тафаккурлаш натижасида қайта эсга тушириш, ижодий эркин фикрлаш, мустақиллик хусусиятларини намоён этиш каби ўқув мақсадларини ишлаб чиқишни назарда тутди (2.4-расм).



2.4 – расм. Технологик жараён ва техник объектлар ҳақидаги билимларни мустақил билиш

2. Технологик жараён ва техник объектларнинг амалиётга жорий этилишини тушуниш - мустақил таълим олиш турларининг бир турдан иккинчисига ўзгариши, касб таълими йўналиши талабаларининг мустақил ишларни тушунтириши, натижаларига таъсир қилувчи таклифлар киритиш, техник вазиятларнинг ўзгаришини назарда тутати(2.5-расм).




2.5 – расм. Технологик жараён ва техник объектларнинг амалиётда жорий этилишини тушуниш

3. Технологик жараён ва техник объектларни амалиётда қўллаш - мустақил таълим жараёнида амалий фаолият билан шуғулланиш, технологик жараён ҳамда техник объектларни амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш. Ушбу фаолият давомида технологик жараён ва техник объектларни қўллаш қоидалари, усуллари, шакллари назариялари синаб кўрилади(2.6-расм).




2.6 – расм. Технологик жараён ва техник объектларни амалиётда қўллаш

4. Технологик жараён ва техник объектларнинг таҳлили -технологик жараён ҳамда техник объектлар унсурларини таҳлил этиб улар орасидаги муносабатни ўрганиш. Мустақил таълимни ташкил этиш асосларини билиш. Мустақил таълим натижалари, тушуниш ва қўллашга қараганда, юқори интеллектуал даражали тавсифланганлиги сабабли мустақил билим олиш мазмунини ҳамда унинг таркибий тузилмасини билишни талаб қилади (2.7-расм).




2.7 – расм. Технологик жараён ва техник объектларнинг таҳлили

5. Технологик жараён ва техник объектларнинг синтези - мустақил таълим натижалари талаба ўқув фаолиятида мустақилликка эришишни, ижодий хусусиятга эга бўлишни, мустақил таълим олишнинг адекват усуллари, шакллари кўринишларини ва тизимларини вужудга келтиришни назарда тутди(2.8-расм).



2.8 – расм. Технологик жараён ва техник объектларнинг синтези

6. Технологик жараён ва техник объектларни мустақил таълим жараёнида баҳолаш - талабалар томонидан мустақил таълим олиш жараёнида эгалланган билимлар, методларни қабул қилинган мақсадни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш(2.9-расм).



2.9 – расм. Технологик жараён ва техник объектларни мустақил таълим жараёнида баҳолаш

Ушбу параграфда касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг методлари ва воситаларига тўхталиб ўтдик. Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр ўқитувчиларнинг мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришда мустақил таълим олишнинг аудиторияда ва аудиториядан ташқаридаги шакллар, мустақил таълим олишнинг адекват методлари, ўқув мақсадига кўра технологик жараёнларда ва техник объектларни қўллашда, мустақил таълим жараёнидаги кўринишларини илмий асосланди. Мустақил таълим олишнинг асосий омили бўлиб, мустақил таълимни ташкил этиш методлари ҳисобланади. Бу муаммони тадқиқот ишимизнинг кейинги параграфиди ёритишга ҳаракат қилдик.

2.3. Мустақил таълим – касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш жараёнининг муҳим омили

Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда фаннинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг ўзлаштириш даражаси ва индивидуал қобилиятини ҳисобга олган ҳолда талаба мустақил ишини ташкил этишда куйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
- ҳисоб-график ишларини бажариш;
- малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш (кейс-технологиялари асосида);
- техник макет, модель ва намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;
- ўқитилаётган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, талаба мустақил ишини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Талабанинг мустақил иши унинг аудиторияда ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлигида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англатади. Мустақил иш қандай шароитларда амалга оширилади:

1. Бевосита аудиторияда – маъруза амалий машғулот, семинар ёки лаборатория ишлари бўйича вазифалар бериш жараёнида;

2. Ўқитувчи билан дарс жадвалидан ташқари пайтлардаги бевосита мулоқот чоғида маслаҳатлар беришда, ижодий мулоқотлар жараёнида, якка топшириқ бажаришда ва бошқалар.

3. Ахборот ресурс марказида, уйда, талабалар уйларида, кафедраларда талаба томонидан ўқув ёки ижодий топшириқларни бажариш жараёнида.

Мустақил иш бўйича тест саволлари, топшириқлар ва машқлар устида ишлаш асосан мустақил бажарилади. Бу иш натижалари эса аудиторияда (амалий ва лаборатория) машғулотларида ўқитувчи раҳбарлигида таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Назарий жиҳатдан мустақил таълим олишнинг технологик асослари бугунги кунга қадар ҳам тўла ривожланмаган. Шунингдек, бу борада терминологик чалкашликларга тобора кўпроқ йўл қўйилмоқда. Айни вақтда «мустақил таълим олиш», «ўз-ўзини тарбиялаш», «мустақил ўқиш» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда. Қуйида «мустақил ўқиш» тушунчасининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Мустақил билим олишда автономлик - ўқиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситаларини аниқлаш ҳамда танлаш, уларни қийналмасдан ва ташқи таъсир ёрдамисиз амалга ошириш қобилиятидир.

Мустақиллик – шахснинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги диққатини жамлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш йўлида бор кучини сарф этиш каби сифатлари бирлиги.

Мустақиллик ҳолати намоён бўлган, бироқ автономлик хусусияти кўзга ташланмаса бу ҳол мустақил билим олишни эмас, балки муаммоли ўқитишнинг мавжудлигидан далолат беради. Демак, автономлик – мустақил билим олишдан фарқ қилувчи, моҳиятли белги ҳисобланади. У ўқув ва касбий фаолият мустақиллигини белгилайди. Бу сифатлар ўқув-педагогик топшириқларнинг турли вариантларини тушунишда ва мавжуд ҳолатни танқидий баҳолашда намоён бўлади. Мустақил билим олишнинг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан ўз-ўзини бошқариш қобилиятининг ривожланиши билан боғлиқ. Мустақил билим олишда дидактика тамойиллари ҳамда назария ва педагогик технологиялар асосий ролни ўйнайди.

Мустақил билим олиш сабабларининг ривожланиши субъектни фаолинка ундайди ва шу билан бирга унинг олдига - мустақил билим олиш қандай бўлиши керак деган саволни қўяди. Мустақил ўқиш педагогик технологияга нисбатан жиддий талабларни қўяди. Ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигидаги фаолиятнинг якуни олдиндан аниқ бўлган ўқитиш жараёнидан фарқли равишда мустақил билим олишда субъект аниқ бўлмаган ва олдиндан режалаштирилмаган натижани қайд этиши керак, яъни билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ ҳажмини ўзлаштириши керак.

Мустақил билим олиш технологияси ва мустақил билим олиш сабаблари бир-бири билан боғлиқдир: аниқ натижага эриша олишига ишонмаслик талабани мустақил билим олишдан ҳар қандай бошқа сабаблардан кўра

кўпроқ кўнглини совутади. Мустақил билим олиш технологиясини яратиш бир неча алоҳида муаммоларни ҳал этишни кўзда туттади. Улар орасида мунтазам билим олишнинг мақсадини қўйиш муаммоси алоҳида ажралиб туради. Агарда таълим олиш умумий ривожланишни таъминлашга хизмат қилса, мустақил билим олишнинг мақсади эса – касбий шаклланиш ёки касбий малакасини ривожлантириш, ўстириш ҳисобланади.

Агар талабага кутилмаганда юқори даражадаги мустақилликни намоён этган ҳолда топшириқларни бажариш талаб этилса, у ҳолда талаба топшириқларни бажара олмаслиги мумкин, натижада ўз кучига бўлган ишончни йўқотади. Бундай ҳолат содир бўлмаслиги учун дастлаб топшириқларни шу таҳлитда бериш керакки, натижада субъект топшириқнинг бирор қисминигина мустақил бажарсин, сўнгра ўқитувчи билан биргаликда натижаларининг тўғрилигини таҳлил қилиб чиқсин.

Топшириқларни бажариш жараёнида талабаларда сабабий- ташкилий (ўқув фаолиятини мустақил ташкил этишнинг қадриятли йўналишлари, билим, малака ва кўникмалари), мазмунли-процессуал (ўқув фаолиятининг моҳиятини билиш ва бу фаолият муваффақиятли бўлишини белгиловчи шахсий сифатларни ривожлантириш) ва текшириш-баҳолаш (мустақил билим олишда зарур саналган шахс сифатларни ўзи баҳолаш) каби кўникмаларнинг шаклланиши мустақил билим олиш жараёнида мажмуавий равишда шаклланиб боради.

Мустақил ўқишни таҳлил қилиш (бу мустақил билим олиш эмас) юқорида кўрсатилган таркибий қисмларнинг талаба томонидан тартибсиз, турлича ўзлаштирилишини кўрсатади. Улардан баъзилари (масалан, текшириш-баҳолаш) таълим муассасаларида деярли шакллантирилмайди.

Мустақил билим олишга тайёргарликнинг ташкилий асослари педагогик-психологик, техник-технологик тушунчалар ҳисобланади. Педагогик-психологик ва техник-технологик тушунча (категория)лар сабабий ва текшириш-баҳолаш таркибий қисмларининг ривожланишига фаол таъсир кўрсатадилар. Демак, мустақил билим олишга тайёрлаш жараёнида талабаларда назарий (тушунчали) фикрлаш қобилиятини ривожлантириш зарур.

Бундай тайёргарликни амалга ошириш бу барча муҳим боғлиқликлар билан тушунчалар кўринишида акс эттирилган педагогик ва техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ҳаёлан тасаввур этиш ва қайта ўзгартиришга ўргатиб бориш, яъни, маълум интеллектуал ҳаракатни амалга ошириш демакдир.

Таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишда педагогик адабиётларда «ўқув топшириғи» тушунчаси билан бирга «масала» тушунчаси кенг берилган. Аксарият ҳолатларда масалани ҳал этиш мавжуд муаммонинг оғзаки ифодаси сифатида эътироф этилади. Масалада жавоби топилиши зарур бўлган шарт ва унга асосланган муаммоли савол берилади.

Юқорида ўқув масаласини мустақил билим олишнинг ташкилий шакли сифатида белгиладик. Шунга асосланиб, ўқув-педагогик масалалар тизимига кўйилувчи талабларни ифода этамиз.

Ўқув-педагогик масалалар тўплами бу маълум яхлитлик бўлиб, ўқитувчи фаолияти асосида ҳал этилувчи асосий вазифаларни акс эттиради.

Ўқув масалаларининг моҳиятини таҳлил этар экан, Г.А.Балл ўқув жараёнида ҳал этилувчи вазифаларни аниқлашдан бош тортиб, фаолиятнинг аксарият муҳим белгиларини абстрактлаштирган ҳолда эътиборни ўқув масалаларининг асосий вазифасига қаратади [14]. Шунингдек, талабанинг фаолият воситаларини эгаллаб олишга ундовчи самарали ёндашувни таклиф этади ҳамда ҳаракатлар ва уларга мос келувчи масалаларнинг қуйидаги турларини кўрсатади:

Ўқув фаолиятини ташкил этувчи ҳаракатлар (ўқув ҳаракатлари) ва ушбу ҳаракатлар ёрдамида ечилиши зарур бўлган масалалар (ўқув масалалари).

Субъект амалга оширишни ўрганиб олиши зарур бўлган ҳаракат (критериал ҳаракат)лар ҳамда ҳал қилиши керак бўлган масала (критериал масала)лар.

Ўқув педагогик масалаларни еча билиш малакали шахснинг умумий ҳолати билан ифодаланувчи, унинг онги, фикрлаш усули, касбий нуқтаи назари ва йўналишини кўрсатувчи умумкасбий малакадир. Шахснинг йўналганлиги аниқ воқелик сабабий-қадриятли муносабат мазмунида намоён бўлади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ҳал этиш асосида талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш усулларини эгаллайди.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар дидактикада мустақил таълим даражасини оширувчи бошқарув, рағбатлантириш, ташкил этиш ва назорат воситалари сифатида қаралади.

Талабанинг ўқув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талабларнинг қўйилиши уларнинг мазмунини бойитади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни берилиш шакли эса олдин ўзлаштирилган намуна бўйича хулосалар чиқаришни кўзда тутувчи бошқарув топшириқлари ва масалаларининг бажарилиши саналади.

Бизнинг фикримизча, педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ва масалаларда автоном ҳолда мустақил билим олишга ўтиш учун катта имкониятлар мавжуд. Аксарият тадқиқотчилар педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларнинг бир хил белгиларини аниқлаганликларини қайд этиб ўтадилар, лекин улар ўртасидаги фарқлар эса деярли ўрганилмаган.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар мустақил билим олишни амалга оширишга имкон берувчи топшириқлар тўпламини яратиш учун асос бўла олади.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар объектив, аниқ педагогик ва ишлаб чиқариш муаммоларини акс эттиради. Ўқитувчи ўрганилаётган педагогик ҳодисалар ва ишлаб чиқариш

жараёнининг ўзаро зид хусусиятларини акс эттириш учун муаммоли вазиятдан фойдаланса, у ҳолда объектив муаммо ўқув муаммосига айланади. Талабалар учун тушунарли бўлган ўқув педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари ўқув топшириғи саналади.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар турли дидактик натижаларнинг қарор топишига олиб келади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятларни яратиш, таълим жараёнини бошқариш, талабаларнинг ўқув фаолиятларини фаоллаштиришга имкон беради. Масалалар эса билимларни чуқурроқ эгаллаб олиш, креатив малака ва кўникмаларни ривожланишига ёрдам берувчи дидактик восита бўлиб хизмат қилади.

Деярли ҳар бир ўқув муаммоси фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга имкон беради, бироқ уларнинг ҳар бири ҳам илмий даражада педагогик ва психологик тушунчаларни мустақил шакллантиришга олиб келмайди. Шу боис педагогик, техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқишда ўқув муаммоларининг дидактик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Топшириқ тўғри ифода этилса, уларни талаба томонидан қабул қилиниши ва ўқув фаолиятига нисбатан қўйилувчи талаблар тўплами сифатида эътироф этиш мумкин.

Аммо мустақил билим олиш мазмунини ҳар доим ҳам билим олишдаги каби муаммо кўринишида ифода этиб бўлмайди. Ўқув муаммолари ўртасидаги «оралиқни» субъект репродуктив йўл билан ўзлаштиради. Дидактик жиҳати инвариант бўлиб, у белгилаб қўйилган ва ўқув фаолиятининг доимий таркибий қисмлари: предмет, восита, усуллари, натижалари ва шаклини бошқаради.

Талаблар мазмуни одатда турли дидактик омиллар (мақсадлар, мазмуни ва бошқалар)га боғлиқ равишда ўзгарса, дидактик жиҳат эса мазмуни ўзгарган ҳолда барқарор шаклга эга бўлади.

Мустақил билим олиш технологиясига мувофиқ педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқиш қоидалари куйидагилардан иборат:

- педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш вазиятлари билан боғлиқ муаммоларга эга бўлиши керак;
- муаммоли вазиятли топшириқлар асосини ташкил этувчи муаммони ҳал этиш тушунчаларини юзага келтирувчи ақлий фаолиятни турли усуллар (анализ, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш ва ҳ.к) ёрдамида амалга оширишни кўзда тутади;
- муаммоли вазиятли топшириқлар тушунчалар мазмунида акс эттирилган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғлиқликни объектив равишда кўрсатиши керак;
- муаммоли вазиятли топшириқлар исботини аниқлаш ва талабалар онгида, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасида мустаҳкам боғлиқликни мустаҳкамлаш

асосида тушунчаларни юзага келтириш имкониятларини кўзда тутиши лозим;

- муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришнинг яхлит ифодаланган ёки ифодаси топшириқ шартларини ташкил этувчи бир неча оддий тушунчалардан субъект томонидан ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини беради;

- муаммоли вазиятли топшириқларни бажариш жараёнида оддий тушунчалар ёки субъектга маълум бўлмаган тушунчалар билан ёки бир-бири билан таққосланади;

- тушунчаларни таққослашда субъект фикрлашнинг турли: анализ, синтез, солиштириш, таққослаш, техник объектлар орасидаги умумийлик, типиклик ва хусусийликни топиш амалларини бажаради;

- муаммони ҳал этишда яққол бўлмасада, бироқ бошланғич тушунчалар ўртасидаги жуда муҳим боғлиқликлар очиб берилади;

- янги тушунчалар шакллантирилади ва унинг таркибига ўзгартирилган оддий тушунчалар киради;

- муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришда субъект қуйидаги амалларни бажаради: тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан қайта ишлаб чиқади;

- тушунчалар шаклини ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади; илгари ўзлаштирилган тушунчалардан расмий-манتيкий фикрлаш усулларидан фойдаланиб, уларни қайта ўзгартиради;

- назарий фикрлаш асосида янги тушунчалар шаклланади.

Муаммоли вазиятли топшириқларни ҳал этиш жараёнида илгариги амалларни бажариш доимий назорат қилиб борилади. Уларни таҳлил қилиш натижасида субъект ўқув топшириқларини бажариш умумий усулларини ўзлаштиради. Топшириқлар муваффақиятли бажарилганда талабаларнинг мустақилликлари автоном хусусият касб этади, сўнгра тўла мустақилликка эришилади. Бошқалар эса талабаларга ўқув педагогик ва техник-технологик муаммоларни ҳал этиш жараёнида ҳисобга олинган ифода этилган шартлар кўринишидаги йўналишларни кўрсатиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Одатда педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар талабалар эътиборига дарҳол уни ҳал этиш мумкин бўлган масала кўринишида ҳавола этилади. Талабаларга масалаларни бундай кўринишда таклиф этиш, ўқув-педагогик ёки ишлаб чиқариш жараёни муаммоли вазиятларда шартларни излаш ёки ифода этиш жараёнида субъектлар томонидан ташкил этилувчи интеллектуал фаолиятни гўёки талабалар ўрнига ўқитувчи амалга оширгандек бўлади. Мустақил ўқишда шартлар олдиндан маълум қилинмайди.

Агарда ўқитувчи томонидан масалага айланттирилган ўқув топшириқларини бажариш жараёнида талаба ечим йўлини топа олмаса, у ҳолда у аниқ вазиятга дуч келиб, ушбу вазиятни педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммосининг ечимини излашга имкон берувчи ҳолатга айлантира

олмайди. Масалани ечиш маълум дидактик вазифаларга қатъий амал қилишни тақозо этади. Масала шартлари аввалдан тузувчи томонидан белгилаб қуйилганда, талабадан вазиятни қайта ўзгартириш малакасини намойиш қилиш талаб этилмайди. Шу боис талабалар билимларини бошқа вазиятга кўчириш ва уларни амалда қўллашда қийинчиликлар ҳис этадилар.

Тажриба ишлари ўқувчилар, касб-хунар коллежлари ва педагогик университетлар талабаларининг масалани ечишда, тахминан бир хил даражада эканликлари, бироқ ўқув-педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари шартини ифода этишга тайёр эмасликларини кўрсатди.

Мустақил билим олишда кўпроқ шартлари ифода этилмаган топшириқларни бажаришга тўғри келади. Масалани ечар экан, талаба шартларни ўзгартириш қонунлари билан танишади, аниқ бир муаммони таҳлил қилиш ва ўқув-педагогик ёки техник-технологик масалани бажаришда мавжуд кўникма ва малакалардан фойдаланади.

Ўқув муаммолари ёрдамида педагогик-психологик ва техник технологик тушунчаларни шакллантириш талабаларга мустақил равишда муаммо белгиларини аниқлаш, муҳим маълумотларни иккинчи даражали маълумотлардан ажратиб олиш ва қўшимчаларни излаб топиш имконини беради.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар мазмунида акс эттирилган муаммо, кўпинча, амалий ҳаётда учраб туради. Талабалар уларни шундай қайта ифодалашлари керакки, мавжуд тажрибаларга таяниб, ечимга эришиш имконини берувчи шартларни реал вазиятдан ажратиб олсинлар.

Қуйида педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларнинг функционал фарқларини таҳлил қилиб чиқамиз: Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ўрганилаётган ҳодиса ва жараёни янада чуқурроқ тушуниш ва мавжуд билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган. Улар педагогларга билимларни ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш имконини беради, айти ўринда ташхис (диагностика) қилиш вазифасини ҳам бажаради. Шу боис улардан талабаларнинг ўз-ўзини диагностика қилиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Ўқитиш топшириқлари ўз навбатида миқдор ва сифат топшириқларга бўлинади.

Ижодий топшириқлар. Агарда ўқув топшириғини бажариш натижасида объектив ёки субъектив янгилик моҳиятини ёритувчи тушунча юзага келса, бундай топшириқни ижодий деб ҳисоблаш мумкин. Уларни ҳал этишда мавжуд билимлар, фикрлаш малакаси ва кўникмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Изланишга ундовчи топшириқлар. Улар автономлик хусусиятга эга максимал мустақилликка эга, аввал ўзлаштирилган тушунча ва ақлий ҳаракатлардан ностандарт вазиятларда фойдалана олиш қобилиятига эга бўлишни тақозо этади. Изланиш топшириқларини бажаришда янги

тушунчалар юзага келмайди, бироқ уларни бажаришда мавжуд билимларни янги вазиятларда қўллаш малакасига эга бўлиш талаб этилади.

Башорат қилишга асосланган топшириқлар. Уларни ечишда бир ёки бир неча кўрсаткичларнинг ўзгаришига кўра бошланғич маълумотларнинг ўзгариши билан боғлиқ муаммолар қўйилади. Бундай топшириқлар мураккаб бўлиб, улардан талабалар етарлича фикрлаш малака ва кўникмаларига эга, шунингдек, асосий тушунчалар билан таниш бўлсаларгина фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Башорат қилишга асосланган топшириқларни бажариш натижаларини таҳлил қилиш мустақил билим олишга тайёрлиги ҳақида фикр юритиш имконини беради.

Ташҳис қилишга қаратилган топшириқлар ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларнинг умумий сабаб ва оқибатларини аниқлаш маҳоратини ривожлантириш учун хизмат қилади.

Қуйида ижодий изланиш ва ташҳисли топшириқлар куриш технологиясига нисбатан қўйилувчи дидактик талабларни ифода этамиз:

- ўқув топшириқларини тузишда, мураккаблик даражасининг оддийдан мураккабга қараб ўсиб бориши изчиллик тамойилига амал қилиши керак;
- тушунчалар ва амалга ошириладиган ҳаракатларнинг мураккаблиги мавжуд билимлар даражасига мос бўлиши зарур;
- ўқув топшириқларинг талабалар томонидан ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги функционал боғлиқликни тушуна олишга имкон бериши ва уларни бошқа ҳодиса ва объектлар билан боғлиқликда тасвирлаш зарур;
- топшириқлар ўзлаштирилган материалларни тушуниш ва уларни янги шароитларда тезлик билан қўллашга ўргатишга ёрдам беради.

Талабалар педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ёрдамида педагогик ҳодисалар, техник объектлар, технологик жараёнлар ўртасидаги турли хусусият ва боғлиқликларини аниқлайдилар (таҳлил ва умумлаштириш кўринишидаги ҳаракатларни амалга оширадилар), уларни ўзаро солиштирадилар, таққослайдилар, бу ҳодиса, жараён ва объектларнинг умумийлиги, типиклиги ва ўзига хос муҳим хусусиятларини кўрсатадилар. Ўқув топшириқлари аста-секин мураккаблаштириб борилади. Энг яхши тайёргарликка эга бўлган иқтидорли талабалар ижодий ва изланиш хусусиятига эга бўлган мураккаб топшириқларни бажарадилар. Камроқ тайёргарликка эга бўлган талабалар, соддароқ топшириқларни бажарадилар, лекин шунга қарамасдан, топшириқлар устида ишлаш уларга умумий масалани ҳал этишда гуруҳ билан бирга ишлашга имкон беради. Мураккаб топшириқларни бажариш баъзи талабаларга педагогик-психологик ва техник-технологик тушунчаларини илмий даражада дарҳол ўзлаштириш имконини беради.

Мустақил билим олишни таъминлашга имкон берадиган топшириқлар тушунча, сабаб ва қадриятли йўналишларни ўзлаштириш даражаси паст


бўлган талабалар учун қулай шароитни яратишни кўзда тутди. Биргина муваффақиятни ҳис этиш ҳам талабани мустақил билим олишга ундовчи психологик ҳолатни юзага келтиради.

2.4. Талабаларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш методикаси

Инсоният ўз тарихий тарақиқиёти жараёнида тўплаган ижтимоий тажрибаларини, талабалар, албатта, мустақил ўқув фаолияти методлари асосидагина эгаллаб олишлари мумкин бўлади. Кўпгина талабаларнинг билим олишда ортда қолишларига уларнинг мустақил ишлаш шакл ва методларини билмасликлари сабаб бўлади. Масалан, ўқитиш жараёнида талабаларда аста - секин билимларни мустақил топиш, уларни баҳолаш ва амалиётда қўллаш малакасини шакллантиришдан иборат хусусиятлар пайдо бўлади.

Талабаларда у ёки бу ўқув материални мустақил ўрганиш малакасини шакллантириш жараёни - педагог томонидан мақсадли ташкил этилган жараён ва унинг назорати остида амалга оширилади. Акс ҳолда талабалар ўзларининг мустақил ишларини бошланғич ҳолатда ташкил этишга қийналадилар.

Илмий изланишлар асосида талабаларнинг мутахассис даражасига эришишларида аудиторияда ва аудиториядан ташқарида мустақил таълим олиш шакллари, метод ва воситалари, мураккаблик даражасига кўра мустақил ишлаш турлари, мустақил ишлашнинг мазмунан изчиллиги, мустақил ишлаш натижасида эгалланадиган кўникма ҳамда малака даражалари асосида касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш модели ишлаб чиқилди (2.10-расм). Бунинг натижасида мустақил таълим жараёнини амалга оширишнинг мазмунан кетма-кетлиги илмий асосланди. Ушбу моделда талаба олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилингандан сўнг, бакалавр-ўқитувчи сифатида шаклланиши жараёнида талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этиш асослари ёритилган.



2.10 - расм. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш модели

Моделнинг асосини ташкил этувчи мустақил таълим жараёнини амалга оширишнинг мазмунан изчиллиги талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш, мураккаблик даражасига кўра мустақил ишлаш турлари, мустақил таълимни бошқариш, мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражаси мустақил таълимни назорат қилиш асослари билан тавсифланади.

«Касб таълими методикаси» фанидан ҳар бир мавзуга мос ҳолда мустақил ишлаш учун топшириқлар мажмуаси ҳам баён этилган. Қуйида юқорида келтирилган манбалар асосида ишлаб чиқилган икки соатлик дарс ишланмаси тавсия этилган.

Дарс мавзуси: “Касб-ҳунар коллежи ўқув хоналари, лаборатория хоналари, ўқув устахоналарига қўйиладиган талаблар ва уларни жиҳозлаш”

Дарс мақсади:

а) **таълимий:** талабаларни касб-ҳунар коллежи ўқув хоналари, лаборатория хоналари ва ўқув устахоналарини жиҳозлашга қўйиладиган талаблар билан таништириш. Талабаларга касб-ҳунар коллежлари ўқув устахоналарининг тузилиши ҳақида маълумот бериш;

б) **тарбиявий:** ўқув устахоналарининг жиҳозлари, уларни сақлаш тартиб-қоидалари, мазкур жиҳозларни эстетик дид билан жойлаштиришни ўргатиш, техника хавфсизлик қоидалари, ўқитувчилик фаолиятида эътибор берилиши зарур бўлган тарбиявий хусусиятлар билан таништириш;

в) **ривожлантирувчи:** талабаларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш, ўқитувчилик қобилиятини шакллантиришга оид тушунчалар, маълумотлар, илмий изланишга, ижодкорликка йўналтириш.

Дарс тури: аралаш

Дарс методлари: назарий, кўргазмали, ақлий ҳужум, «гуруҳларга бўлиб ўқитиш».

Дарснинг жиҳозланиши: кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар: ўқув устахоналарининг жойлашув тартиби туширилган плакатлар, мавзуга оид адабиётлар, дарс ўтишга оид ўқув-услубий қўлланмалар.

Фанлараро боғланиш: машинасозлик йўналишидаги мутахассислик фанлари, материалларни кесиб ишлаш, асбоблар ва дастгоҳлар, ўқув устахоналарида касб таълими амалиёти, физика, педагогика, педагогик маҳорат, психология, ахборот технологиялари.

Техник воситалар: кодоскоп, слайдлар

Тарқатма материаллар: назорат карточкалари, тестлар.

Машғулотнинг бориш тартиби:

1. Ташкилий қисм

а) саломлашиш; б) гуруҳга бўлиш; в) топшириқлар бериш.

2. Асосий қисм

а) гуруҳларнинг мустақил ижодий ишларини ташкил этиш.

б) топшириқни бажаришда ўтилган манбаларни такрорлаш.

в) дам олиш дақиқасида «Ролли ўйин» методи орқали топшириқни мустаҳкамлаш.

г) олинган натижаларни таҳлил қилиш.

д) натижаларни мустақил, ижодий ёндошган ҳолда такомиллаштириш.

е) натижаларни бошқа гуруҳ мунозарасидан ўтказиш.

ё) билдирилган фикрларни муҳокама қилиш.

3. Яқуний қисм

а) баҳолаш. б) рағбатлантириш.

Боҳолаш мезони - балли тизим.

Гуруҳнинг натижаси—2 балл;

Ўйиндаги фаоллик – 1 балл;

Танқидий фикр –1 балл;

Фикр ҳимояси –1 балл.

Дарснинг бориши

1. Ташкилий қисм (5 дақиқа). Дарсга ўқитувчи кириб келади ва талабалар билан саломлашиб, хона тозалигини текшириб бўлгач, навбатчини ва давоматни аниқлайди. Талабалардан табақалаштирилган ҳолда «Ўқув усталари», «Лаборантлар», «Ўқитувчилар» номли гуруҳларни шакллантиради.

2. Асосий қисм (60 дақиқа).

а) 1. «Ўқув усталари» гуруҳи мустақил ишлаш малакаларини (ўқув материалларини ўрганишда ва иш жараёнларини ташкил этишда умумийликдан типикликни ва хусусийликни ажратиб олиш) шакллантириш мақсадида ўқув устахоналарида мавжуд асбоб-ускуналар, жиҳоз ва мосламалар ҳақида маълумот берадилар. Ўқув устахоналарида бўлиши лозим бўлган жиҳозлар рўйхатини тузиш талаб этилади.

2. «Лаборантлар» гуруҳи мустақил ишлаш малакаларини (мустақил иш бажарилиши жараёнида технологик жараёнларни ва техник объектларни танлаш, амалларни бажариш, чизиш ва схемаларни тузиш) шакллантириш мақсадида лаборатория хоналарида бажариладиган ишлар ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш асосида лаборатория хоналарига қўйиладиган талабларни ўрганиш, лаборатория хоналарига қўйиладиган талаблар рўйхатини ишлаб чиқиш талаб этилади.

3. «Ўқитувчилар» гуруҳи мустақил ишлаш малакаларини (аудиторияда, аудиториядан ташқарида, ўқув устахонасида ва уйда мустақил ишларни самарали ташкил этиш) шакллантириш мақсадида ўқув хоналарида ўтиладиган бирор дарс ишланмасини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бунда танланган мавзунини баён этиш методлари, шакллари, тамойиллари асосида дарс режаси ишлаб чиқилади.

б) талабалар берилган топшириқларни бажариш вақтида янги мавзуга боғлаган ҳолда ўтилган мавзу саволларини такрорлайдилар:

1) касб-ҳунар коллежларининг ўқув хоналарида, лабораторияларида ва ўқув устахоналарида ташкил этиладиган касб таълими машғулотларининг қандай ташкилий шакллари биласиз?

2) ўқув хоналарида назарий машғулотларнинг асосий шакллари асосида дарсларни ташкил этиш методикасини ёритинг?

3) ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари?

4) ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат уюштириш босқичларини айтиб беринг?

Талабалар жавобларини умумлаштириш.

в) талабалар берилган топшириқнинг асосий қисмини бажариб бўлганларидан сўнг уларга дам олиш дақиқаси берилади:

Бунда ҳар бир гуруҳ талабалари гуруҳ номидан келиб чиққан ҳолда «Менинг келгуси истиқболдаги режаларим: Касбий тараққиёт, орзу ва умидлар» мавзусида давра суҳбат уюштиради.

г) олинган натижалар ўқитувчи назоратидан ўтказилади. Натижанинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида ўзаро мунозарага киришишади.

д) олинган натижалар «Ўқув усталари» берган натижалар «Лаборантлар» гуруҳи аъзолари томонидан; «Лаборантлар» гуруҳи олган натижалар «Ўқитувчилар» гуруҳи томонидан; «Ўқитувчилар» гуруҳи олган натижалар «Ўқув усталари» гуруҳи аъзолари томонидан муҳокама этилади. Натижаларга танқидий, қарши фикрлар бериш асосида материални ўрганишда ўз-ўзини назорат қилиш малакаси шакллантирилади. Асосли, исботланган ва такомиллаштиришга қаратилган фикр ва мулаҳазалар ўқитувчи томонидан белгилаб борилади.

е) ҳар бир гуруҳ ўзининг натижаларини қайтариб олади ва айтилган танқидий мулаҳазалар ҳамда таклифларга ўз муносабатларини билдирадилар.

3. Яқуний қисм (10 дақиқа).

а) Барча гуруҳнинг топшириқларни бажариш натижалари доскада кўрсатиб борилади. Топшириқнинг тўғри ва мукамал бажарилганлигига қараб, ҳар бир гуруҳ ва талаба баҳоланади. Бунда талабаларнинг мустақил ишлаш малакаларининг шаклланганлик даражаларига эътибор қаратилади. Мустақил ишлаш малакаларининг шаклланганлигини аниқловчи мезонлар кейинги параграфда мукамал берилган.

б) Гуруҳларнинг натижалари асосида энг яхши гуруҳ ва фаол талабалар номи эълон қилинади.

Мустақил ишнинг асосий қисмининг бажарилиши кетма-кетлиги ва бажаришга кетган вақт қуйидагича белгиланади: гуруҳларнинг мустақил ижодий ишларини ташкил этиш – 20 дақиқа; топшириқни бажаришда ўтилган манбаларни такрорлаш – 5 дақиқа; дам олиш дақиқасида «Ролли ўйин» методи орқали топшириқни мустаҳкамлаш – 10 дақиқа; олинган натижаларни таҳлил қилиш – 5 дақиқа; натижаларни мустақил, ижодий ёндашган ҳолда такомиллаштириш – 5 дақиқа; натижаларни бошқа гуруҳ мунозарасидан ўтказиш – 10 дақиқа; билдирилган фикрларни муҳокама қилиш – 5 дақиқа.

Гуруҳларга бўлиш жараёнида талабаларнинг билим даражасига эътибор қаратиш керак, яъни талабаларни табақалаштириб, гуруҳларга ажратиш ва уларга мураккаблик даражаси турлича бўлган бир мавзу юзасидан топшириқ берилиши керак. Топшириқ натижалари доскада намойиш этилган ҳолда эълон қилинса-да, талабаларнинг барчаси мавзунинг мураккаблик

даражасидан қатъий назар, мавзу юзасидан билимларга эга бўладилар. Бундай тарзда дарс олиб бориш жараёнида гуруҳдаги барча талабалар иштироки таъминланади ва шу билан уларнинг ҳар бири баҳоланади. Баҳолаш мезонлари топшириқларни қай даражада бажарганликларига қараб, «5», «4», «3», «2» ёки «аъло», «яхши», «қониқарли», «ёмон» кўрсаткичлар асосида баҳоланади. Ҳозирда талабаларнинг билимларини 100 балли рейтинг тизими асосида ҳам баҳолаш мумкин. Талабаларнинг билими ва мустақил ишлаш малакаларининг шаклланганлик даражалари 2.2 - жадвалда берилган.

Машғулот якунида талабаларга мустақил бажариб келишлари учун уй вазифаси берилади.

Мавзу: Касб-хунар коллежлари ўқув устахоналарини жиҳозлаш ва машғулотларни ташкил қилиш

1. Касб-хунар коллежларида ўқув устахоналарини ташкил этиш ҳақидаги Низомни таҳлил қилиш.

2. Касб-хунар коллежлари ўқув устахоналарига қўйиладиган талабларни ўрганиш.

3. Касб-хунар коллежлари ўқув устахоналарида ўқитувчи ва ўқувчи иш ўрнига қўйиладиган талабларни аниқлаш.

4. Ўқув устахоналарида ўқувчиларга касб-хунар ўргатиш усулларини ўрганган ҳолда дарс ишланмаси тайёрлаш (йўриқнома асосида).

Берилган мустақил иш топшириқлари бўйича талабалар келгуси дарсга тайёргарлик кўриб келишлари лозим.

2.5. Касб таълими практикуми фанидан талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш методикаси


Касб таълими йўналиши талабаларининг умумкасбий ва мутахассислик фанларига мос машғулотларни ташкил қилиш ҳамда уларнинг мустақил ҳолда бажаришлари мумкин бўлган умумкасбий кўникма ва малакаларини кўриб чиқамиз.

Биринчи амалий машғулот. Машғулотни кириш йўриқномаси ва асосий йўриқномаларга биноан ташкил этсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Аввал талабаларга мустақил ишлашлари учун лозим бўладиган кириш йўриқномаси ўқитувчи томонидан амалий меҳнат усуллари кўрсатилган ҳолда берилади. Кейин метални тискига маҳкамлаб қўйиб кесишни бажариш юзасидан асосий амалий йўриқнома берилади ва талабалар томонидан бажариладиган мустақил амалий иш усуллари, содир этилиши мумкин бўлган хатоликлар, уларни тузатиш йўл-йўриқлари кўрсатиб ўтилади. Машғулотни бундай ташкил қилиш мустақил ўрганиладиган усулларнинг ўзлаштирилиши ва мустаҳкамланишига имкон беради, шунингдек, йўриқнома беришнинг иккинчи қисмида биринчи навбатдаги машқларни бажариб, бўлганларидан кейин талабаларга бир оз дам олиш имкониятини

яратади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги тўғрилаш, букиш, қирқиш жараёнларини ташкил этиш ҳақида тўхталиб ўтамиз:

Тўғрилаш - Мавзуни талабаларга тушунтириш ва уларда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш юзасидан қуйидагича тавсиялар бериш мумкин. Қириш йўриқномасининг асосини: тўғрилашнинг асосий усулларини бир вақтнинг ўзида ҳам кўрсатиб бериш ҳамда тушунтириб бериш ташкил этади.

Қириш йўриқномасини ташкил қилиш ва талабаларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш учун ўқув устаси талабаларга қуйидаги саволларни бериши мумкин.



Полоса металнинг думалоқ чивиги эгилганлиги қандай аниқланади?

Сиртидан эгилган полосани тўғрилаш қиррасидан эгилган полосани тўғрилашдан қандай фарқ қилади?

Тўғриланган полосанинг тўғрилиги қандай аниқланади? Думалоқ чивикникичи?

Қавариқ металл листини тўғрилаш усули билан териш усули орасида қандай фарқ бор?


Металл листини тўғрилаш сифати қандай текширилади?

Мавзуни ўрганишда ўқув устаси асосий тўғрилаш усулларининг тўғри бажаришга нисбатан, шунингдек, тўғриланган деталлар сифатига нисбатан қўйиладиган талабларни, яъни кўзга кўринадиган қийшиқликлар йўқлигини текширганда плита билан деталл орасидаги тирқишнинг 1 ммдан ошмаслигини, болға билан урганда, деталлда катта пачоқланишлар пайдо бўлганлигини, лист заготовкани текширганда эса унинг плитага бутун юзаси билан тегиб туришини ҳисобга олади.

Букиш

Букиш чилангарлик операцияси бўлиб, унинг ёрдамида заготовкага ёки унинг бир қисмига чизма талабларига мувофиқ эгик шакл берилади. Полоса пўлатни букиш трубаларни букиш, пўлат листини букиш. Букишнинг бу турларидан ҳар хил усуллар билан бажарилади. Қўл билан букиш ва турли мосламалардан фойдаланиб, букиш фарқ қилади.

Дарсда полоса пўлатини тискига маҳкамлаб қўйиб, аправкалар ёрдамида



пўлат чивикларни ясси жағли омбур ёрдамида букиш усулларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Букишнинг бу усуллари чилангар иши учун энг хос усуллардир. Мосламалардан фойдаланиб, пресда букиш усуллари, трубаларни букиш, пружиналар ўраш усулларини ўрганишни кейинроққа режалаштириш мақсадга мувофиқ.


Мавзуни ўрганиш юзасидан методик тавсиялар.

Мавзуни ўрганиш пайтига келиб, талабалар махсус технология дарсларида металлни букишнинг назарий масалаларини ўрганишган, шу сабабли ўқув устаси кириш йўриқномаси вақтида дарснинг мавзуси ва мақсадини, ўрганиладиган усулларнинг номларини айтади ҳамда талабаларга саволлар беради. Жавобларнинг ва такрор кўрсатилган усулларнинг тўғрилигин таҳлил қилишга ўқув устаси талабаларни жалб этади.

Мавзу материални мустаҳкамлаш ва талабаларнинг мустақил ишлаш даражаларини аниқлаш учун талабаларга тахминан қуйидаги мазмунда уй топшириғини бериш мумкин: букиб ясаладиган буюмнинг эскизи берилади. Буюмлар ҳар хил бўлиши мумкин. Ўлчамлари ҳар хил аммо ўзи бир хил буюмлар эскизларини бериш ҳам мумкин. Топшириқларни индивидуал тарзда вариантлар бўйича беришга имкон пайдо бўлади.

Қирқиш

Мавзунинг таърифи. Қирқиш чилангарлик тайёрлов операцияси бўлиб, унинг моҳияти профил ёки лист материалдан қирқувчи асбоб ёрдамида заготовка қирқиб олишдан иборат. Касб таълими практикуми дастурида



қирқишнинг қуйидаги турлари: дастаги чилангарлик арраси билан қирқиш, дастаги ричакли қайчилар билан қирқиш, трубани қирққич билан қирқиш усулларни бажаришни ўрганиш кўзда тутилади. Дастаги арра билан қирқётганларида талабалар ўзларига маълум бўлмаган усулларга дуч келадилар. Уларни бажариш учун эса уларни яхшилаб ўрганиб олиш зарур. Дастурга кўра, қирқиш мавзусини

одатда, эговлаш мавзусидан олдин ўрганиш кўзда тутилади. Мавзунинг ўқув вазифалари унинг ўқув мазмунидан келиб чиқади. Улар қуйидагилардан иборат: талабаларни арра дастгоҳини тўғри йиғишга ўргатиш, профили пўлат ва трубаларни арра билан қирқиш усулларини тўғри бажаришга ўргатиш. Трубаларни труба қирққич билан қирқиб бўлишга ўргатиш.

Ушбу жараёнларда содир бўладиган амалий фаолиятлар ва хатоликлар, уларни ечиш йўллари қуйидагича кўриниш олади.

Талабалар мустақил ишлашларида содир бўладиган хатолар	Амалий машғулот жараёнида содир бўладиган хатолар сабаблари	Ўз-ўзини назорат қилиш ва хатоларни тузатиш йўллари
--	---	---

Пўлат листини тискига маҳкамлаб қўйиб кесиш

Деталнинг қирраси эгри кесилган	Детал тискига бўш қисиб қўйилган	Детални тискига маҳкам қисиш
Кесиб олинган деталнинг томонлари параллел эмас	Заготовка тискида қийшайиб кетган.	Заготовкани тўғрилаб қўйиш
Детал қирраси йиртилган	Режалашда чизиқ қийшиқ чизилган.	Хато чизилган чизиқни тўғрилаш
	Кесаётганда болға катта куч билан урилган. Кесиш пайтида зубилони оғдириш бурчаги кичик бўлган. Ўтмас зубло ишлатилган	Болғани бир меъёрда уриш

Ариқчалар кесиб ўйиш

Ариқчаларнинг қирраси «йиртилган»	Ўйишда юқорисига томон ингичкалашган крейц-мейселдан фойдаланилмаган	Крейцмейселдан фойдаланиш
Ариқчанинг чуқурлиги унинг узунлиги бўйича бир хил эмас	Кесиш жараёнида крейц-мейсел нотўғри ўрнатилган (бурчак тавсия этиладиганидан катта ёки кичик бўлган)	технологиясини тўғри қўллаш
Ариқчанинг боши ва охири синган	Деталда фаска кесилмаган	

Кенг юзадан металл қатламини кесиб олиш

Кесилган юзада дағал (қўпол) «ўйиқлар» ва «кесиклар» бор	Кесишда ўтмас зубло ишлатилган. Кесишда зубло нотўғри ўрнатилган. Кесиш жараёнида болға бир меъёрда урилмаган	Зубилони белгиланган йўриқнома асосида ишлатиш
Деталь қирралари синган	Деталда фаска кесилмаган	

Лист, полоса ва чивик пўлатни плита устида кесиш

Кесилган деталнинг қирраси эгри	Детал эгри режаланган. Кесиш режа чизиқ бўйича бажарилмаган.	Эътиборли бўлган ҳолда ишни бажариш
Кесилган деталнинг қирраси қўпол «кесилган» ва синган	Зублонинг тиғи режа чизиққа нотўғри қўйилган. Кесишда ўтмас зублодан фойдаланилган. Зубло нотўғри чарҳланган—тиғи думалок эмас, балки тўғри чизиқлидир. Кесишда болға кучсиз урилган.	Ўткир зубилодан фойдаланиш Болғани бир меъёрда уриш

Ўқув уста кесишнинг асосий ўрнатиш усуллари куйидаги жадвалда кўрсатилган изчилликда кўрсатиб ва тушунтириб беради.

Ўрнатиш усулларини кўрсатиб ва тушунтириб бергандан сўнг ўқув устаси бир неча талабага уларни намойиш дастгоҳида қайтариб кўрсатишни таклиф этади. Шундан сўнг ўқув устаси талабаларга инструкторив кўрсатмаларни диққат билан ўқиб чиқишларини ва инструкторив картани тушунтириб беришни таклиф қилади.

Иш усуллари	Иш усулларини кўрсатиб беришда талабалар диққатини қаратиш лозим бўлган нарсалар	Иш усулларини бажаришда талабаларнинг эгаллашлари лозим бўлган мустақил ишлаш кўникма ва малакалари
Тискини ишловчининг бўйига мослаб ўрнатиш	Тискини ўрнатиш ва баландлигини текшириш вақтида тиски олдида эркин вазиятда, яъни эгилмасдан ва чўзилмасдан туриш лозим	Мустақил ишлашлари учун лозим бўладиган тискини ўрнатиш йўл-йўриқлари
Тискига машқ мосламасини маҳкамлаш	Тискига тискига мустаҳкам қилиб жағларининг ўртасига маҳкамлаш даркор	Тискини ишлатиш технологияси
Кесиш вақтида иш вазияти	Тискида ишлов бериладиган мосламалар турлари уларнинг хусусиятлари ҳақида техник-технологик маълумотлар	Тискида ишлаш вақтида иш унумдорлигини оширишга сабаб бўлувчи ишлаш вазиятларининг талабалар томонидан қулай ҳолда мустақил ишлаш ҳолатларининг ўзлаштирилиши
Панжа билан зарб бериш	Эркин вазиятда, бемалол туриш, елкаларнинг бурилганлиги, оёқ кафтларининг вазияти	Болғани ишлатиш технологияси, мосламага зарба беришда кучлар нисбатини ишлатиш кўникмаси, зарба беришда техник сезувчанлик малакаларининг шаклланиши
Елкадан ошириб зарб бериш	Инструкторив картада кўрсатилгандек бўлиши лозим	Зарбани тўғри ўқ бўйлаб йўналтириш кўникмаси
	Болғанинг дастасини охиридан ушлаш лозим. Қўлни кўтариш пайтидаги дастлабки вазият.	Физиологик сезувчанликнинг шаклланиши
	Бармоқларни узиб юбориб зарб беришда бармоқларнинг ишлаши	Зарба беришда техника ҳавфсизлиги қонун-қоидаларига амал қилиниши
	Зарб структураси. Болғанинг ҳаракат траекторияси. Бармоқлар, панжа ва қўлнинг биргаликда ишлаши. Уриш пайтида болғанинг силташ тезлиги	Ўрганилган билимларни мустақил ишлаш жараёнида қўллаш мақсадида танқидий-тахлилий тарзда хотирага

Бошдан ошириб зарб бериш	Бошдан ошириб бериладиган зарбнинг қўлланилиши. Болға ва қўлнинг дастлабки вазияти. Мослама ўқи текислигида болғанинг ҳаракат тректорияси. Зарб кучининг ўзлаштирилиши	муҳрлаш кўникмаси Мустақил ишлашда қўлланиладиган меҳнат усулларини синчковлик билан кузатиш ва ҳоказо.
--------------------------------	---	---

Усулларни кўрсатиб бериш вақтида, тайёрлаб қўйилган кўргазмали қуролдан ёки электрон дарсликлардаги типик хатолар жадвалидан фойдаланиш лозим.

Талабаларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволлар берилиши мумкин.

1. Пўлат листидан олинган заготовкани тиски жағларининг сатҳи билан бир текис қилиб кесиш учун маҳкамлашда қандай қоидаларга амал қилиш керак?

2. Агар зубило қирқувчи қисмнинг чарҳланиши бурчаги 60 даражага тенг бўлса, унинг тиски жағлари текислигига тахминан қандай бурчак остида қўйиш лозим?

3. Нима учун энли текисликда металл қатламини кесиб олишдан олдин деталнинг олд ва кетинги қирраларида фаска йўнилади?

4. Метални тискига маҳкамлаб қўйиб, кесаётганда қандай хавфсизлик қоидаларига амал қилиш лозим?

Бундан ташқари, бир неча талабага кўрсатиб берган кесиш усулларини ўқитувчининг иш ўрнида такрорлашни таклиф этиш ва усулларни синов тариқасида бажарилишини талабалар билан бирга таҳлил қилиш лозим.

Жорий йўриқнома бериш жараёнида ўқув устаси талабаларнинг мустақил ишлаш жараёнларида кесишнинг қуйидаги усулларини ва уларнинг таркибий элементларини тўғри бажаришга алоҳида эътибор берилади:

- кесишдаги иш вазияти;
- заготовкани тискига тўғри маҳкамлаш;
- кесиш жараёнида болғани ушлаш;
- зубило ва крейцмейселнинг заготовкага ҳамда тиски жағларига нисбатан вазияти;
- зарб бериш суръати, талабалар шошмасликлари керак;
- болға билан зарб бериш кучи;
- болғани ҳаракатлантириш йўналиши-зубило ўқи текислигида;
- зубилони уриш бир галда;
- кесиб олинган металл қатламини қалинлигини ўзгартириш йўли билан;
- фақат ўткир асбоблар билан ишлаш;
- хавфсизлик қоидаларига амал қилиш.

Талабалар мустақил ишлашаётганда ўқув устаси қуйидаги усуллардан фойдаланиб, жорий йўриқнома ўтказди:

- усулларни талабаларни иш ўринларида такрор кўрсатиб бериш;
- йўриқномали хариталар тавсияларига талабалар риоя қилишларини текшириш;
- ёнма-ён иш ўринларида ишлаётган талабаларнинг бир-бирларини текширишларини ташкил этиш;
- талабаларнинг бир-бирларига ўргатишларини ташкил қилиш;
- агар кўпчилик талабалар бир хил хатоларга йўл қўяётган бўлсалар, бутун гуруҳга конструктив йўриқнома бериш зарур.

Дарс охирида ўқув устаси кесишнинг асосий усуллари қандай ўзлаштирилганлигини таҳлил қилади: талабаларнинг энг характерли хатоларини кўрсатади, уларнинг сабаблари ва олдини олиш чоралари борасида сўзлайди.

2.2 – жадвал.

Талабаларнинг билими ва мустақил ишлаш малакаларининг шаклланганлигини баҳолаш мезонлари

Балл	Баҳо	Талабанинг билими ва мустақил ишлаш малакаси
85-100	аъло	<u>Юқори</u> мустақил таълим олиш методлари, воситалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга, олинган маълумотларни таҳлил этиб, янгиликлар, ихтиролар яратишга қизиқади, ижодий тадқиқот ишлари ва танқидий синтез қила олади, мустақил фикрлаш маҳоратига эга. Мустақил таълим билан мунтазам шуғулланади таълим олишнинг янада самарали йўллари ўзлаштиришга иштиёқманд.
70-84,9	яхши	<u>Яхши</u> мукамал билимга эга бўлиш учун мустақил таълим билан шуғулланиш лозимлигини англаб етган, техник – методик муаммоларни ечишда ижодкорлик даражалари етарлича шаклланган, эвристик турдаги мустақил ишларни бажара олади, ахборотни аҳамиятига кўра табақалаштиради, мустақил таълим олишни ўқув машғулотларида ва машғулотдан ташқари вақтларда самарали ташкил қила олиш малакасига эга. Мустақил таълим билан мунтазам шуғулланади, аммо етарлича ижодий ёндашмайди.
55-69,9	кониқар-ли	<u>Ўртача</u> мустақил иш бажариш учун лозим бўладиган шарт–шароитлар ва имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Формулаларни келтириб чиқариш, берилган намуналарга асосланиб мантиқий ечимларга келади, реконструктив–вариатив мустақил ишларни бажара олади. Мустақил фаолият олиб боришда ўқиш, ёзиш, чизиш, схемалар тузиш жараёнларига ижодий

		ёндаша олиш малакасига эга, бироқ мустақил иш бажаришга мунтазам киришиб кетолмайди, айрим вақтларда фаол ёки аксинча, ёндошади.
0-54,9	қоникарсиз	Паст мустақил таълим олиш ижтимоий кўрсаткичларини ҳисобга олиш билангина чекланади, мустақил фаолият олиб бориш малакаси даражалари, материалларни ўрганишда умумийдан муҳимларини ажратиб олиш малакаси қисман шаклланган. Мустақил ишлашга етарлича вақт ажратмайди, берилган вазифани ўқитувчи топшириғи ва кузатуви асосидагина бажаради.

Машғулот якунида талабаларга мустақил бажариб келишлари учун уй вазифаси берилади.

Талабаланинг мустақил ишларини тизимли ва изчил тарзда ташкил этиш ва назорат қилиш уларнинг ижодий мустақил ишлаш қобилиятларини ўстиришда муҳим омил эканлигини исботлади.

ХУЛОСА

Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш, уларнинг ўз-ўзини ривожлантириб бориш шароитида фаолият юритиш жамият ривожига асосий куч ҳисобланган етук мутахассисларни тайёрлаш масаласига ижобий ёндошувни талаб қилади. Мустақил таълим олиш жараёнини фаоллаштириш, талабаларда мустақил таълим олишга бўлган интилиш, мавзуга оид маълумотларни интернет орқали излаш, ўқиб ўрганиш, мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш зарурлиги таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлиги таҳлил қилинди.

Мустақил таълим талабаларда шахсий, касбий, индивидуал хусусиятларни намоён қилишга; билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга; уларнинг умумкасбий ҳамда махсус фанларга оид билимларини режалаштиришга; аудиторияда ва аудиториядан ташқарида олинган билимларни тартибга солишга, шунингдек назорат қилиш учун онгли равишда фойдалана билишга; ижодий қобилиятларини ривожлантиришга асос бўлиши аниқланди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишда қуйидагиларга эътибор бериш лозимлиги илмий асосланди: умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича билимларни тўлиқ ўзлаштириш малакаларини ривожлантириш; умумий меҳнат маданиятига оид тарбия, шунингдек, ижтимоий фойдали касблар билан танишиш; талабаларда ижодий тафаккурни, касбий иқтидорни, мустақил фикрлашни ривожлантириш ва вақтни кадрлаш сифатларини шакллантириш.

Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда аудиторияда ва аудиториядан ташқарида мустақил таълим олишнинг самарали шакл ва методлари танланди ҳамда улардан фойдаланишда таълим воситаларини қўллаш усуллари ишлаб чиқилди.

Касб таълими йўналиши талабаларининг умумкасбий ва мутахассислик фанларига мос машғулотларни ташкил этиш ҳамда уларнинг мустақил ҳолда бажаришлари мумкин бўлган умумкасбий кўникма, малакалари ўрганиб чиқилди. «Касб таълими методикаси» фани мисолида талабаларнинг мустақил ишлаш малакаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Блум таксономияси асосида ўқув фаолиятининг турли соҳаларини қамраб олувчи қуйидаги: когнитив (билиш), аффектив (ҳиссий - қадриятли), психомотор (ҳаракат)ли омилларига тўхталиб ўтилди. Ҳар бир соҳа бўйича касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда мустақил таълим жараёнидаги ҳолатлар ўрганиб чиқилди. Талабаларнинг мустақил таълими уларнинг касбий шаклланишида муҳим омил эканлиги аниқланди.

Касб таълими йўналиши бўйича таҳсил олаётган бўлажак бакалавр-ўқитувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этиш масаласини назарий ва

методик жиҳатдан ишланганлик даражасини ошириш мақсадида қуйидаги тавсияларга эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Касбий фанларни ўқитишда талабаларда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш самарадорлигини ошириш мақсадида модулли тизим асосида машғулотларни ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш.

2. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил ишлашларига имкон берувчи моддий-техник базани мустаҳкамлаш чора тadbирларини белгилаш.

3. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи махсус электрон дастурлар, дарслик ва қўлланмалар яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 46 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – 64 б.
3. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 32 б.
4. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 - октябрдаги 400-сонли қарори.
5. Абдуллаева Қ.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: Дисс. ... пед. фан. ном.- Тошкент: 2006. - 182 б.
6. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДПУ, 2003 - 174 б.
7. Андрианов П.Н. Развитие технического творчества в трудовом обучения учащихся общеобразовательной школы: Дисс. ... канд. пед. наук. – М.: 1985. – 234с.
8. Ахлидинов Р.Ш. Социально-педагогические основы управления качеством общего среднего образования (на матер. Национал. программы по подготовке кадров): Автореф. дис. ... докт.пед.наук. – Т.: 2002. – 44 с.
9. Барышникова З.А. Организация самостоятельной познавательной деятельности студентов – заочников. – М.: 2000. – 196 с.
10. Бегимкулов У. Масофавий ўқитиш ва педагогик таълим // Педагогик таълим, – Тошкент. 2004. – № 5. – Б.19 – 21.
11. Бердиева О.Б. Геометрия таълимида ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш методикаси: Автореф. дис. ... пед.фан.ном. – Т.: ТДПУ, 2007. – 22б.
12. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО, 1995. – 336 с.
13. Bloom B.S. (ed) et al. A taxonomy of Educational Objectives: Handbook I: The Cognitive Domain. Harvow, 1956.
14. Бушля А.К. О самообразование //Сов.пед. 1979. №2.- С. 43-45.
15. Гамезо М.В., Домашенко И.А. Атлас по психологии: Инфометод.пособие к курсу Г18 «Психология человека» - М.: Педагогическое общество России, 2003. - 276 с.
16. Громцева А.К. Самообразование учащихся средних профтехучилищ. – М.: Высшая школа, 1987.- 48 с.
17. Давлатов К. Мехнат ва касб таълим тарбиясидан амалий машғулотлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - 206 б.
18. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - 29 б.

19. Демидова С. И., Денищева Л.О. Самостоятельная деятельность учащихся при обучении математике. – М.: Просвещение, 1985 г.- 189 с.
20. Закинов Э.И. Педагогические основы организации самостоятельной работы учащихся 6 – 8 классов: Дис. ... канд. пед. наук – Т.: 2001. – 155 с.
21. Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже: Дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент: 2003. – 327 с.
22. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2004. - 102 б.
23. Климов Е. А. Психология профессионала. – М.: Педагогика, 1996. - 400 с.
24. Косонова А.С. Педагогические основы творческого самовыражения как фактора становления будущего учителя: Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. – Хабаровск: 2000. - 45 с.
25. Магзумов П.Т. Педагогические основы трудового становления личности школьников: Автореф. дис ... докт.пед.наук. – Т.: 1991. - 41 с.
26. Матчанов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишлари ташкил этиш: Автореф. дис. ... пед.фан.докт. – Т.:1998. – 42 б.
27. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: Фан, 2004. - 128 б.
28. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалаврларини тайёрлашда мустақил таълимнинг аҳамияти // Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент, 2004. - № 1. – Б. 18 - 20.
29. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2006. - 46 б.
30. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим интеграцияси. Методик қўлланма. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. 2006. – 47 б.
31. Нишоналиев У.Н. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы. – Т.: ФАН, 1995. – 85 с.
32. Нишонава З. Мустақил фикр ривожланганлигининг психологик мезонлари // Халқ таълими. - Тошкент, 2001.- №1.- Б. 38 – 40.
33. Ниязметова Т.Р. Методика самостоятельной работы учащихся на уроках узбекской литературы в IV – VII классах: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Т.:1979. - 21 с.
34. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари: Автореф. дис. ... пед. фан. док. – Т.: 2005. – 44 б.
35. Педагогика /А.К.Мунавваровнинг умум. тахрири остида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 200 б.
36. Педагогик амалиёт. Методик қўлланма / Шарипов Ш.С., Исмоилова М., Санакулов Х., Муллахметов Р., Қўйсинов О.А. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. 2006. – 28 б.

37. Рашидов Х. Ф. Теоретико-методологические и социально-педагогические основы развития среднего специального, профессионального образования в Узбекистане: Автореф. дис. ... докт. пед.наук. – Т.: 2005. – 47 с.
38. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003 – 172 б.
39. Сайидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Тошкент: РТМ, 2000. – 46 б.
40. Сайфулов Д.М. Касб-хунар ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида масофадан ўқитишнинг илмий-услубий асослари: Автореф. дис. ... пед. фан. ном. – Т.: 2005. – 23 б.
41. Султонова Ў.Н. Физикадан ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси: Автореф. дис. ... пед. фан. ном. – Т.: 2007.– 22б.
42. Скакун В.А. Умумслесарлик ишларидан ишлаб чиқариш таълими.- Тошкент.: Ўқитувчи, 1988. – 264 б.
43. Толипова Ж. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш // Халқ таълими. – Тошкент, 2002. – № 4. – Б. 102 – 103 .
44. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Дис. ... пед. фан. док. – Тошкент: 2004. - 314 б.
45. Толипов Ў.Қ. Талабалар мустақил ишларида ўқитиш воситалари // Халқ таълими. – Тошкент, 2000. - №1.- Б. 45 – 47.
46. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. - 206 б.
47. Толипов Ў.Қ., Қўйсинов О.А. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш тизими // Мактаб ва ҳаёт. - Тошкент, 2001.- №3. - Б.13-15.
48. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С., Эгамов Х., Қўйсинов О.А. Мехнат ва касб таълимида узвийликни таъминлаш муаммолари // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2001. - №2. - Б. 101-111.
49. Турдибаева Б.М. Формирование познавательной самостоятельности у студентов педагогических вузов как средство совершенствования воспитательной работы. (На примере биологических факультетов во внеаудиторное время): Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. – Жалал – абад. 2001. – 22 с.
50. Халилов Н. Мустақил таълим шакллари // Халқ таълими. – Тошкент, 2002.- № 5.- Б. 88 – 89.
51. Ходжабаев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Дисс. ... докт. пед. наук. – Т.: 1992. – 406 с.
52. Хусанбоева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Дис. ... пед.фан.док. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2004. – 261 б.

53. Шарипов Ш. С. Талабалар ихтирочилик ижодкорлигини шакллантиришининг педагогик шароитлари. (Меҳнат ва касб таълими факультетлари мисолида): Дис. ... пед. фан. ном. – Т.: 2000. – 205 б.
54. Шарипов Ш.С., Шоназаров Р., Қўйсинов О.А., Насриддинова Г. Касб танлашга йўллаш фанидан лаборатория машғулоти. Методик қўлланма – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2007. – 48 б.
55. Юзликаев Ф.Р. Теория и практика интенсификации дидактической подготовки будущего учителя в системе высшего педагогического образования (на материале педагогических дисциплин): Автореф. дис... докт. пед. наук. – Т.: 2005. - 36 с.
56. Юнусова Ш. Ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини шакллантириш // Халқ таълими. – Тошкент, 1997. – №5. – Б. 53 – 55.
57. Кулиева Ш.Қ., Қўйсинов О.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигига таъсир кўрсатувчи омиллар // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2007. – №2. – Б. 9 – 10.
58. Қўйсинов О.А. Мустақил таълим олиш жараёнида талабаларнинг ижодий тафаккурларини шакллантириш. / Таълим жараёнида мустақил тафаккур ривожланиши: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005. - Б. 98 - 99.
59. Қўйсинов О.А. Талабаларнинг мустақил билим олиш маҳорати даражаларини аниқлаш омиллари // Таълим технологиялари. – Тошкент, 2005. - №2. - Б. 21 - 23.
60. Қўйсинов О.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида масофавий таълим тизими. / Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент : ЎМКХТТКМОУҚТИ, 2006. - Б. 237-238.
61. Қўйсинов О.А. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг педагогик-психологик аҳамияти // Таълим технологиялари. – Тошкент, 2007. - №1. - Б. 31 - 32.
62. Қўйсинов О.А. Касб таълими методикаси фанидан лаборатория машғулоти. - Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2007. - 92 б.
63. Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълим олиш жараёнини ташкил этиш // Педагогик таълим. – Тошкент, 2008. - №1. – Б.152 - 155.
64. Қўйсинов О.А. Талабаларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2008. - №2. - Б.22 - 23.
65. <http://www.istedod.uz/>
66. <http://www.pedagog.uz/>
67. <http://www.Abduqodirov.pbnet.ru/>
68. <http://www.disser.h10.ru/pedagog.html>

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
I боб. Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарий асослари	
1.1. Педагогика назариясида талабалар мустақил таълими муаммосининг ишланганлик даражаси	5
1.2. Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг психологик жиҳатлари	10
1.3. Касб таълими тизимида талабалар мустақил таълимнинг мазмуни, хусусиятлари ва малака даражаларини аниқлаш мезонлари	18
II боб. Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр- ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли, методи ва воситалари	
2.1. Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш шакллари	29
2.2. Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш методи ва воситалари	43
2.3. Мустақил таълим – касб таълими ўқитувчисининг касбий шакллантириш жараёнининг муҳим омили.....	51
2.4. Талабаларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш методикаси	59
2.5. Касб таълими практикуми фанидан талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш методикаси.....	64
Хулоса	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74

